NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

# 3000 та бухгалтерия ўтказмаси

## Ҳисобварақлар режаси бўйича боғланишлар

2-жилд

4

«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

2011

65.7
Г-95

«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

Ф. Г. ГУЛЯМОВА
У. Т. ФАЙЗИЕВА

# 3000 та БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАСИ
## ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА БОҒЛАНИШЛАР

2-жилд

УЖ 7211

Тошкент — «NORMA» — 2011

УДК: 657.2(076)
ББК 65.052(5Ў)
Г95

**Ф. Г. Гулямова, У. Т. Файзиева**

Г95 3000 та бухгалтерия ўтказмаси. Ҳисобварақлар режаси бўйича боғланишлар. 2-жилд. — Тошкент: «NORMA», 2011. — 216-бет. («Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси, 4-чиқарилиш).

ISBN 978–9943–21–018–9

Китоб бухгалтерия ҳисоби тизимини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар эътиборга олинган Ҳисобварақлар режаси асосидаги хўжалик операциялари нуқтаи назаридан асосий бухгалтерлик ўтказмаларини ўз ичига олган. Энг кўп учрайдиган хўжалик операцияларини акс эттиришнинг батафсил чизмалари берилган, мазкур операциялар расмийлаштирилиши лозим бўлган бошланғич ҳужжатлар кўрсатилган.

Бухгалтерия ва молия хизматлари мутахассислари, аудиторлар, солиқ органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг талабалари ва аспирантлари, коллежлар ўқувчилари учун мўлжалланган. Малакали бухгалтер ва аудитор сертификатларини олиш учун малака имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин.

УДК 657.2(076)
ББК 65.052(5Ў)

ISBN 978–9943–21–018–9 © «NORMA» нашриёти, 2011

## III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР

Ҳисобварақлар режаси III қисмининг счётлари мажбуриятларнинг барча турлари бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш учун қўлланилади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосга мувофиқ (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17–07/86-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мажбуриятларнинг асосий тавсифи шундан иборатки, бунда хўжалик юритувчи субъект бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий мажбуриятларга эга бўлади.

Мажбуриятлар — бу ҳисобот ёки олдинги даврларда вужудга келган кредиторлик қарзидир ва унинг қопланиши (тартибга солиниши) иқтисодий нафни камайтиришга олиб келиши мумкин, яъни амалдаги активлар камайиши тўғрисида ишонч мавжуддир. Мажбуриятда қопланиши лозим бўлган аниқ белгиланган қарз ёки муайян ҳаракат қилиш, масалан, сотилган маҳсулотнинг яроқсизлигини тузатиш ёки олдиндан ҳақи тўланган ишни бажариш мажбурияти (ниманидир бажариш) мужассамланади.

Мол етказиб бериш ёхуд олди-сотди шартномасининг тузилиши мажбурият вужудга келганлигини англатмайди. У тайёр маҳсулот етказиб берилгандан кейин ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқи расмий равишда ўтказиб берилгандан кейин вужудга келади. Хизматларни истеъмол қилиш, бажарилган ишни қабул қилиш мажбуриятлар вужудга келишига ва улар учун олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, бунинг учун ҳақ тўланиши лозимлигига олиб келади.

Муайян ҳуқуқий чекловларда, масалан, бекор қилиниши кўзда тутилмаган мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузилганда, мол етказиб берилишидан қатъи назар ҳам мажбуриятлар вужудга келади. Молни қабул қилишдан воз кечиш катта миқдордаги пул суммаси (боқимонда)нинг тўланишини талаб қилади ва тегишли мажбуриятлар вужудга келишига олиб келади.

Мажбуриятларни қоплаш одатда муайян активларни кредиторга ўтказиш ёки бошқа усуллар билан амалга оши-

рилади. Хусусан, мажбуриятларни қоплаш мажбуриятларнинг қийматини пул маблағлари билан тўлаш ёки уни қоплаш учун шунга мос келадиган қийматдаги бошқа активларни ўтказиб бериш; мажбуриятга тенг бўлган суммага хизматларни кўрсатиш ёки ишларни бажариш; бир мажбуриятни бошқа мажбурият билан алмаштириш; ўзаро келишув бўйича қопланган мажбуриятларга тенг суммада акцияларни ёки бошқаришда ва фойдада иштирок этиш бошқа ҳуқуқларини тақдим этиш йўли билан корхона капиталига мажбуриятни киритиш орқали тартибга солиниши мумкин. Кредитор томонидан ўз талабларини бекор қилиш ёки талаб қилиш ҳуқуқини йўқотиш ҳам мажбуриятларни қоплаш усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мажбуриятларни қоплаш активларни камайтирувчи муайян харажатларни талаб қилганда ёхуд бошқа йўл билан келгуси иқтисодий нафларни камайтиради деган тахмин қилишга асос мавжуд бўлган тақдирдагина мажбуриятлар ҳисобга олиниши мумкин. Бу тўловни талаб қиладиган битимни ижро этиш, ижро учун қабул қилинган суд қарорлари, боқимондани тўлаш ёки бюджетга солиқни тўлаш ниятига эга бўлишдир.

Чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятлар чет эл валютасини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қайта ҳисоблаш йўли билан счётларда миллий валютада ҳисобга олинади.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тартиби қуйидаги асосий қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади:

— Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17—07/86-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (ЎзР МБ бошқарувининг 2002 йил 12 апрелдаги 60(1/4)-сон қарори билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (2004 йил 2 сентябрдаги ЎзР

МВнинг 98-сон; ИВнинг 41-сон, ДСҚнинг 2004–57-сон, МББнинг 257–В-сон ва Давстатқўмнинг 8-сон қарори билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (молия вазирининг 2009 йил 11 майдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва б.

Ҳисобварақлар режасининг III қисми VI бўлим «Жорий мажбуриятлар» ва VII бўлим «Узоқ муддатли мажбуриятлар»дан иборат.

## VI БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

VI бўлимнинг счётлари корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий, яъни қайтарилиши 12 ойдан ошмаган мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

### Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6000) боғланиши

Олинган товар-моддий қийматликлар, қабул қилинган бажарилган ишлар ва истеъмол қилинган хизматлар, жумладан электр энергияси, газ, буғ, сув етказиб берилганлиги учун, шунингдек қабул қилинган ва тўланиши лозим бўлган ҳисобварақ-фактуралар бўйича моддий қийматликлар етказиб берганлиги ёки қайта ишлов берганлиги учун корхонанинг мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»;

6020 «Берилган векселлар».

Қурилиш пудрати шартномасини, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва бошқа ишларни амалга ошириш шартномасини бажаришда бош пудратчи вазифаси-

ни амалга оширадиган корхоналар ўзларининг субпудратчилари олдидаги мажбуриятларини шунингдек мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларда акс эттирадилар.

Ушбу счётларнинг кредитида, моддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар (ёхуд 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётини қўллаган ҳолда) ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, бухгалтерия ҳисобида ҳисобга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар, хизматлар ва ишларнинг қиймати акс эттирилади. Материаллар ёки товарларни етказиб бериш, шунингдек уларга четда қайта ишлов бериш бўйича хизматлар учун, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг кредити бўйича ёзувлар, ишлаб чиқариш захиралари, товарлар, ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Мол етказиб берувчилар сони катта миқдорда бўлиб, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар кўп банд бўлганда мол етказиб бериш бўйича хизматларнинг ҳисоби 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счётида олиб борилиши мумкин.

Агар мол етказиб берувчининг ёки пудратчининг счёти мол етказиб берилгунга қадар тўланган тақдирда, мол етказиб берувчига пул ўтказилган пайтда қуйидаги ўтказма берилиши лозим:

Дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бериладиган бўнаклар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» ёки 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта счётлари».

Агар келиб тушган моддий қийматликлар омборга кирим қилинаётган пайтда уларнинг камомади аниқланса ёки уларнинг сифати, миқдори, шунингдек баҳоси шартномада келтирилган баҳоларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти билан боғланган ҳолда тегишли суммага кредитланади.

Ҳужжатлар билан тасдиқланмаган моллар мол етказиб берувчи томонидан берилганда 6010 «Мол етказиб

берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти келиб тушган моддий қийматликларнинг шартномада кўзда тутилган баҳо ва шартлардан келиб чиқиб аниқланган қийматига кредитланади.

Ушбу гуруҳ счётлари, пул маблағлари ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, мажбуриятлар ижроси суммасига (счётлар тўланишига), жумладан бўнаклар ва олдиндан тўловларга дебетланади. Бунда илгари берилган бўнак суммасига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бериладиган бўнаклар».

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти бўйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир тақдим этилган счёт бўйича ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилиши лозим. Бунда таҳлилий ҳисоб тузилиши тўлов муддати етиб келмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича мол етказиб берувчилар ҳақида, муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича мол етказиб берувчилар ҳақида керакли маълумотни олишга имконият яратиши керак. 6020 «Берилган векселлар» счёти бўйича ҳам таҳлилий ҳисоб худди шундай тамойилга асосан юритилиши лозим.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Келиб тушган ва кирим қилинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (жумладан ташиш ва ҳоказо хизматлар) учун мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари тўлов учун қабул қилинган | 0710, 0720 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 2 | Капитал қурилиш учун бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0810 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Ўрнатишни талаб қилмайдиган асосий воситалар ва асбоб-ускуналар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0820 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 4 | Келиб тушган номоддий активлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0830 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 5 | Келиб тушган ҳайвонлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0840 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 6 | Ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0850 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 7 | Молиявий ижара шартномасига асосан асосий воситаларга капитал қўйилмалар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 0860 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 8 | Келиб тушган ва кирим қилинган материаллар; транспорт хизматлари, ортиш ва тушириш ишлари, шунингдек ҳужжатлар билан тасдиқланмаган мол етказиб берилганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган (1510 счётдан фойдаланмаган ҳолда) | 1010-1090 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 9 | Ўстириш ва бўрдоқига боқиш учун харид қилинган ҳайвонлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари тўлов учун қабул қилинган (1510 счётдан фойдаланмаган ҳолда) | 1110 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 10 | Турли товар-моддий қийматликлар харид қилинганлиги; мол етказиб бериш бўйича турли харажатлар учун мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари тўлов учун қабул қилинган (1510 ҳисобварақдан фойдаланилганда) | 1510 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 11 | Асосий ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буг, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 2010 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 12 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 2310 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 13 | Умумий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 2510 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 14 | Ташқи яроқсизлик аниқланганлиги муносабати билан мол етказиб берувчилар томонидан | 2610 | 6010 | Тижорат далолатномаси, даъво хати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | турли хизматлар кўрсатилиши; уни тузатиш бўйича хизматлар ва кафолатли таъмирлаш бўйича операциялар акс эттирилган | | | |
| 15 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 2710 | 6010 | Чипта, ҳисобварақ-фактура |
| 16 | Харид қилинган товарлар учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 2910, 2990 | 6010 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура |
| 17 | Келгуси давр харажатларига тааллуқли харажатлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 3190 | 6010 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура |
| 18 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан кредиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 6010 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 19 | ҚҚС тўловчилари томонидан харид қилинган моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобланган | 4410 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура |
| 20 | Келиб тушган моддий қийматликлар кирим қилинишида мол етказиб берувчиларга даъво тақдим қилинган | 4860 | 6010 | Даъво хати, тижорат далолатномаси, солиштирма далолатнома |
| 21 | Хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва | 8810, 8890 | 6010 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | ҳоказолар) учун мақсадли тушумлар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | | | |
| 22 | Имтиёзлар қўлланилиши натижасида бўшаган маблағлар жорий мажбуриятлар ҳосил бўлишига олиб келувчи жорий харажатларни қоплаш учун йўналтирилган | 8840 | 6010 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 23 | Маҳсулотни сотишда хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 9410 | 6010 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 24 | Савдо корхоналарида хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 9410 | 6010 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 25 | Маъмурий эҳтиёжлар учун хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 9420 | 6010 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 26 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан тўланадиган счётлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6010 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 27 | Табиий офатларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этишда хизматлар кўрсатганлиги учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари тўлов учун қабул қилинган | 9720 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, сертификат |
| 28 | Турли товар-моддий қийматликлар келиб тушишида табиий камайиш чегарасида камомад аниқланган (кирим қилингунга қадар) | 9430 | 6010 | Ташиш жараёнида моддий қийматликлар йўқотилишининг ҳисоб-китоб жадвали, даъво ҳужжатлари, маҳсулот бўйича счётлар |
| 29 | Келиб тушган ва кирим қилинган ўрнатиладиган асбоб-ускуна учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган (жумладан, транспорт ва ҳоказо хизматлар) | 0710, 0720 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 30 | Капитал қурилиш учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0810 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 31 | Келиб тушган асосий воситалар ва ўрнатилишни талаб қилмайдиган асбоб-ускуна учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0820 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 32 | Келиб тушган номоддий активлар бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0830 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 33 | Келиб тушган ҳайвонлар бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0840 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 34 | Ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0850 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 35 | Молиявий ижара шартномасига асосан олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 0860 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 36 | Келиб тушган ва кирим қилинган материаллар учун (1510 счётдан фойдаланилмаган ҳолда); транспорт хизматлари, ортиш-тушириш ишлари, шунингдек фактурланмаган мол етказиб берилиши учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 1010-1090 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 37 | Ўстириш ва бўрдоқига боқиш учун (1510 счётдан фойдаланилмаган ҳолда) харид қилинган ҳайвонлар учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 1110 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 38 | Харид қилинган турли товар-моддий қийматликлар учун (1510 счётдан фойдаланилган ҳолда); турли харажатлар учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 1510 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, вексель |
| 39 | Асосий ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2010 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси, вексель |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 40 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2310 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси, вексель |
| 41 | Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2510 | 6020 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси, вексаль |
| 42 | Ташқи яроқсизлик аниқланганлиги муносабати билан мол етказиб берувчилар томонидан турли хизматлар кўрсатиш; уни тузатиш бўйича хизматлар ва кафолатли таъмирлаш бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2610 | 6020 | Тижорат далолатномаси, даъво хати, вексель |
| 43 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2710 | 6020 | Чипта, ҳисобварақ-фактура, вексель |
| 44 | Харид қилинган товарлар учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 2910, 2990 | 6020 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура, вексель |
| 45 | Келгуси давр харажатларига тааллуқли харажатлар бўйича мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 3190 | 6020 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура, вексель |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 46 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан берилган вексел-лар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 6020 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси, вексель |
| 47 | Маҳсулот сотилишида хизматлар кўрсатилган-лиги ва ишлар бажарил-ганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун мол ет-казиб берувчига тўлана-диган вексель берилган | 9410 | 6020 | Товар-транс-порт юкхати, чипта, ҳисоб-варақ-фактура, вексель |
| 48 | Савдо корхоналарида хизматлар кўрсатилган-лиги ва ишлар бажарил-ганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун мол ет-казиб берувчига тўлана-диган вексель берилган | 9410 | 6020 | Товар-транс-порт юкхати, чипта, ҳисоб-варақ-фактура, вексель |
| 49 | Маъмурий эҳтиёжлар учун хизматлар кўрса-тилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транс-порт, энергия, таъмир-лаш ва ҳоказолар) учун мол етказиб берувчига тўланадиган вексель берилган | 9420 | 6020 | Товар-транс-порт юкхати, чипта, ҳисоб-варақ-фактура, вексель |
| 50 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан берилган вексел-лар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6020 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси, вексель |
| 51 | Мол етказиб берувчилар ёки пудратчилар олдида-ги қарзни қоплаш учун ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари тўланган | 6010, 6020 | 5110 | Тўлов топши-риқномаси, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, далолатнома, ишончнома |
| 52 | Мол етказиб берувчилар ёки пудратчилар олдида-ги қарзни қоплаш учун валюта ҳисоб-китоб счё-тидан пул маблағлари тўланган | 6010, 6020 | 5210, 5220 | Тўлов топши-риқномаси, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, далолатнома, ишончнома |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 53 | Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг счётлари банкдаги махсус ҳисоб-китоб счётларидан (аккредитивлар, чек дафтарчалари ва б.) тўланган | 6010, 6020 | 5510, 5520, 5530 | Тўлов топшириқномаси, банк махсус счётларидан кўчирмалар |
| 54 | Кредиторлик қарзини қоплаш учун мол етказиб берувчиларга оддий вексель берилган | 6010 | 6020 | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, индоссамент |
| 55 | Ҳисобварақ-фактуралар тўлаш пайтида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга олдиндан берилган бўнаклар, тўланган счётлар ва берилган векселлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 6010, 6020 | 4310 | Юкхат, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 56 | Харидорларнинг қарз суммалари мол етказиб берувчилар олдидаги қарзлар билан қопланган | 6010, 6020 | 4010 | Солиштирма далолатнома |
| 57 | Даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзи суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 6010, 6020 | 9360 | Инвентарлаш комиссиясининг қарори, корхона раҳбарининг буйруғи |
| 58 | Курс фарқини ҳисобдан чиқаришнинг жамлаш усули билан тўланадиган счётлар бўйича мусбат валюта курс фарқлари акс эттирилган | 6010 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 59 | Курс фарқини ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан тўланадиган счётлар бўйича мусбат валюта курс фарқлари акс эттирилган | 6010 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 60 | Курс фарқини ҳисобдан чиқаришнинг жамлаш усули билан берилган векселлар бўйича мусбат валюта курс фарқлари акс эттирилган | 6020 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 61 | Курс фарқини ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан мол етказиб берувчиларга берилган векселлар бўйича мусбат валюта курс фарқлари акс эттирилган | 6020 | 9540 | Банк кўчирмаси |
| 62 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарз банклардан олинган қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қопланган (тўлаш учун қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича тўлов амалга оширилган) | 6010, 6020 | 6810, 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк счётларидан кўчирмалар |
| 63 | Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7010, 7020 | 6950 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

**Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётларнинг (6100) боғланиши**

Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётларда ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборот умумлаштирилади. Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар»;

6120 «Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар».

Ушбу счётларнинг кредитида, моддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар (ёхуд 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти қўлланган ҳолда) ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, ажратилган бўлинмалардан, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган товар-моддий қийматликлар, хизматлар ва ишларнинг қиймати бухгалтерия ҳисобига қабул қилинганлиги акс эттирилади.



ЧК 7211

Ушбу гуруҳ счётлари, пул маблағларини ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги бажарилган мажбуриятлар (счётлар тўланиши), шу жумладан бўнаклар ва олдиндан тўлов суммаларига дебетланади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Келиб тушган ва кирим қилинган ўрнатиладиган асбоб-ускуна (жумладан транспорт ва ҳоказо хизматлар) учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ҳисобварақ-фактуралар тўлов учун қабул қилинган | 0710, 0720 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 2 | Капитал қурилиш учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0810 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 3 | Келиб тушган асосий воситалар ва ўрнатишни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0820 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 4 | Келиб тушган номоддий активлар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0830 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 5 | Келиб тушган ҳайвонлар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0840 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 6 | Ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0850 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 7 | Молиявий ижара шартномасига асосан олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 0860 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 8 | Келиб тушган ва кирим қилинган материаллар (1510 счётдан фойдаланмаган ҳолда) учун; транспорт хизматлари, ортиш ва тушириш ишлари, шунингдек ҳужжатлар билан тасдиқланмаган мол етказиб берилганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ҳисобварақ-фактуралар тўлов учун қабул қилинган | 1010-1090 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 9 | Ўстириш ва бўрдоқига боқиш учун харид қилинган ҳайвонлар учун (1510 счётдан фойдаланмаган ҳолда) ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ҳисобварақ-фактуралар тўлов учун қабул қилинган | 1110, 1120 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 10 | Турли товар-моддий қийматликлар харид қилинганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ҳисобварақ-фактуралар тўлов учун қабул қилинган (1510 счётдан фойдаланилганда) | 1510 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 11 | Асосий ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 2010 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 12 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 2310 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 13 | Умумий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги, шу жумладан энергия, газ, алоқа хизматлари ва ҳоказолар тақдим этилганлиги учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 2510 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 14 | Ташқи яроқсизлик аниқланганлиги муносабати билан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари томонидан турли хизматлар кўрсатилиши; уни тузатиш бўйича хизматлар ва кафолатли таъмирлаш бўйича операциялар акс эттирилган | 2610 | 6110, 6120 | Тижорат далолатномаси, даъво хати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 15 | Харид қилинган товарлар учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 2910, 2990 | 6110, 6120 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура |
| 16 | Келгуси давр харажатларига тааллуқли харажатлар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 3190 | 6110, 6120 | Юкхат, ҳисобварақ-фактура |
| 17 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига кредиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 6110, 6120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 18 | ҚҚС тўловчилари томонидан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан харид қилинган моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобланган | 4410 | 6110, 6120 | Ҳисобварақ-фактура |
| 19 | Келиб тушган моддий қийматликларни кирим қилиш пайтида ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига даъво тақдим этилган | 4860 | 6110, 6120 | Даъво хати, тижорат далолатномаси, солиштирма далолатнома |
| 20 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан нақд пул маблағлари келиб тушган | 5010, 5020 | 6110, 6120 | Кассир ҳисоботи, кирим касса ордери |
| 21 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушган | 5110 | 6110, 6120 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 22 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан валюта ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушган | 5210, 5220 | 6110, 6120 | Банк валюта счётларидан кўчирмалар |
| 23 | Мақсадли тушумлар бўйича хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 8810, 8890 | 6110, 6120 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 24 | Маҳсулотни сотиш пайтида хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 9410 | 6110, 6120 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 25 | Маъмурий эҳтиёжлар учун хизматлар кўрсатилганлиги ва ишлар бажарилганлиги (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказолар) учун ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан счётлар тўлов учун қабул қилинган | 9420 | 6110, 6120 | Товар-транспорт юкхати, ҳисобварақ-фактура, чипта |
| 26 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усул билан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6110, 6120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операцияеининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 27 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан турли товар-моддий қиймат-ликлар келиб тушиши пайтида табиий ка-майиш меъёрлари чега-расида камомад аниқ-ланган (кирим қилин-гунга қадар) | 9430 | 6110, 6120 | Моддий қий-матликларнинг ташиш пайтида камайиши бўйича ҳисоб-китоб жадвали, даъво ҳужжат-лари, маҳсулот бўйича счётлар |
| 28 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги қарзни қоплаш учун ҳисоб-китоб счётидан пул тўланган | 6110, 6120 | 5110 | Тўлов топши-риқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, далолатнома, ишончнома |
| 29 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги қарзни қоплаш учун валюта ҳисоб-китоб счётидан пул тўланган | 6110, 6120 | 5210, 5220 | Тўлов топши-риқномаси, банк валюта счётларидан кўчирмалар, далолатнома, ишончнома |
| 30 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг счёт-лари банкдаги махсус ҳисоб-китоб счётидан тўланган (аккредитив-лар, чек дафтарчалари ва ҳоказолар) | 6110, 6120 | 5510, 5520, 5530 | Тўлов топши-риқномаси, банк махсус счётларидан кўчирмалар |
| 31 | Ҳисобварақ-фактуралар тўлаш пайтида ажра-тилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига олдиндан берилган бўнаклар ва тўланган счётлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 6110, 6120 | 4310 | Юкхат, бажа-рилган ишлар далолатномаси |
| 32 | Харидорларнинг қарзлар бўйича суммалари ажра-тилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги қарзни қоплаш учун ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 6110, 6120 | 4010 | Солиштирма далолатнома |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 33 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги даъво муддатлари ўтиб кетган кредиторлик қарзи суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 6110, 6120 | 9360 | Инвентарлаш комиссиясининг қарори, корхона раҳбарининг буйруғи |
| 34 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 6110, 6120 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 35 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усул билан ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 6110, 6120 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 36 | Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисмига ўтказилиши акс эттирилган | 7110, 7120 | 6110, 6120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 37 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги қарз банкдан олинган узоқ муддатли ёки қисқа муддатли кредитларнинг ҳисобига қопланган | 6010, 6020 | 6810, 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк счётларидан кўчирмалар |

## Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6200) боғланиши

Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар жорий кечиктирилган, жумладан вақтинчалик фарқлари оқибатида вужудга келган мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»;

6240 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»;

6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар»;

6290 «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар».

6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счётида қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг дисконт (чегирма)лари бўйича корхонанинг кечиктирилган узоқ муддатли даромадларининг жорий қисми акс эттирилади. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотиб олувчи томонидан чегирма билан харид қилинганда, яъни номинал қийматидан арзон олинганда қўлланилади. Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда, дисконт суммаси мазкур счётнинг кредитида, тўланган сумма эса пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар ёки узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади. Облигациялар дисконт (чегирма)ларининг жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти кредитланади ва 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади.

6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигациялар мукофоти (устамаси) бўйича корхонанинг кечиктирилган даромадларининг жорий қис.ини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигация сотувчиларда қўлланилади. Облигациялар мукофот билан сотилганда, мукофот (устама) суммаси 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти, облигациянинг номинал қиймати эса 6830 «Тўланадиган облигациялар» (қисқа муддатли) ёки 7830 «Тўланадиган облигациялар» (узоқ муддатли) счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан

боғланган ҳолда акс эттирилади. Облигацияларнинг мукофот (устама)лари жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти кредитланади ва 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади.

6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётида ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси даврларга тегишли бўлган даромадлар акс эттирилади. Кечиктирилган даромадлар ижара тўловлари, чипталарнинг сотилиши, журналларга обуна тўлови ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Ҳали етказиб берилмаган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилмаган ишлар ва кўрсатилмаган хизматлар учун пул маблағлари келиб тушганда 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар тайёр маҳсулотлар, товарлар сотилганда, ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда даромад сифатида тан олинади ва 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг дебетидан 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» ва 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётларининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

6240 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счётида ваколатли ҳокимият органларининг қарори бўйича қонунчиликка мувофиқ тўланиши кечиктирилишига рухсат этилган солиқлар бўйича бюджет олдидаги қарзлар ва мажбурий тўловларнинг жорий қисми акс эттирилади. 6240 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счётининг кредитида кечиктирилган жорий тўловлар суммаси бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) билан богланган ҳолда ҳисобга олинади.

6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счётида вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келган кечиктирилган фойда солиғи суммаси акс эттирилади.

Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғига доир мажбуриятларнинг тегишли жорий қисми 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётидан 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счётига ўтказилади. Кейинчалик вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи вужудга келишига қараб 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» счёти 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счёти билан боғланади.

6290 «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар» счётида корхонанинг 6210–6250 счётларда кўрсатилмаган бошқа кечиктирилган мажбуриятлари акс эттирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Узоқ муддатли облигациялар чегирма билан харид қилинганда дисконт суммаси акс эттирилган | 0610 | 6210, 5110-5530 | Облигация келишуви, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 2 | Қисқа муддатли облигациялар чегирма билан харид қилинганда дисконт суммаси акс эттирилган | 5810 | 6210 | Облигация келишуви, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 3 | Жорий облигация дисконти ҳисобдан чиқарилган | 6210 | 9530 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 4 | Узоқ муддатли кечиктирилган дисконт қисмини жорий қисмга ўтказиш акс эттирилган | 7210 | 6210 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 5 | Облигациялар мукофот билан сотилганда мукофот суммаси акс эттирилган | 5110-5530 | 6220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 6 | Жорий облигация мукофоти ҳисобдан чиқарилган | 6220 | 9530 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 7 | Узоқ муддатли кечиктирилган мукофот қисми жорий қисмга ҳисобдан чиқарилган | 7220 | 6220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 8 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан кредиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 9 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 10 | Келгусида товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун пул маблағлари келиб тушган | 5110 | 6230 | Банк кўчирмаси, шартнома |
| 11 | Келгусида товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун валюта маблағлари келиб тушган | 5210, 5220 | 6230 | Банк счётларидан кўчирма, шартнома |
| 12 | Келгусида товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун пул маблағлари банкдаги бошқа счётларга келиб тушган | 5530 | 6230 | Банк счётларидан кўчирма, шартнома |
| 13 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 6230 | 6231 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 14 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 6230 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 15 | Кечиктирилган даромад тайёр маҳсулотнинг сотилишига қараб даромад таркибига киритилади | 6230 | 9010 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 16 | Кечиктирилган даромад товарларнинг сотилишига қараб даромад таркибига киритилади | 6230 | 9020 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 17 | Кечиктирилган даромад хизматлар кўрсатилиши ва ишлар бажарилиши даврида даромад таркибига киритилади | 6230 | 9030 | Ҳисобварақ-фактура, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги ҳақида далолатнома |
| 18 | Оператив ижара бўйича кечиктирилган даромад тегишли давр келганда даромад таркибига киритилади | 6230 | 9350 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура |
| 19 | Молиявий ижара бўйича кечиктирилган даромад тегишли давр келганда даромад таркибига киритилади | 6230 | 9550 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура |
| 20 | Ваколатли ҳокимият органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ тўлов муддати кечиктирилишига рухсат этилган солиқлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилган | 6410 | 6240 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 21 | Ваколатли ҳокимият органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ тўлов муддати кечиктирилишига рухсат этилган давлат мақсадли, жамғармаларига тўлов- | 6520 | 6240 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | лар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилган | | | |
| 22 | Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисобдан чиқарилган | 7240 | 6240 | Ҳисобдан чиқариш ҳисоб-китоби |
| 23 | Тўлов муддати келиши муносабати билан солиқлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар тўланган | 6240 | 5110 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 24 | Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғига оид мажбуриятлар акс эттирилган | 9810 | 6250 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 25 | Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғига оид узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7250 | 6250 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 26 | Кечиктирилган фойда солиғи вужудга келиши жараёнида мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 6250 | 6410 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6300) боғланиши

Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар буюртмачиларга қисман тайёр ҳолдаги товар-моддий қимматликларни етказиб беришга ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек акцияга обуначилардан олинган бўнақлар бўйича жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»;

6320 «Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар»;

6390 «Бошқа олинган бўнаклар».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ—1154-сон «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ маҳсулотлар ва товарларни етказиб беришда, шунингдек ишларни бажаришда ёки хизматларни кўрсатишда корхона харидорлардан ва буюртмачилардан бўнак тўловини ташкил этадиган энг камида 15 % олдиндан тўловни талаб қилиши лозим. Бундай ҳолатда бўнак товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади. Бундай бўнаклар пул маблағини олган корхона учун маҳсулот ва товарларни етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш амалга оширилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнакларга қуйидагилар мисол бўлади: корхона томонидан газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар, шунингдек товар-моддий қийматликларни ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

Олинган бўнак суммалари, шунингдек қисман тайёр ҳолдаги маҳсулот (иш, хизмат) учун қабул қилинган тўловлар суммаси олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади. Буюртмачиларга ишлар тугатиб топширилганда ва хизматлар кўрсатилганда, шунингдек харидорларга маҳсулот юклаб жўнатилганда олинган бўнаклар харидор ва буюртмачиларнинг мажбуриятларини камайтиради ҳамда олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг дебети ва олинадиган счётлар (4000) ҳамда дебиторлик қарзини ҳисобга олувчи бошқа счётлар кредитига олиб борилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 27 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан турли товар-моддий қимматликлар келиб тушганда табиий камайиш меъёрлари чегарасида камомад аниқланган (кирим қилингунга қадар) | 9430 | 7110, 7120 | Моддий қимматликларни ташишда йўқотишлар ҳисоб-китобининг жадвали, даъво ҳужжатлари, маҳсулотга оид счётлар |
| 28 | Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7110, 7120 | 6110, 6120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 29 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган даъво муддатлари ўтиб кетган кредиторлик қарзи суммаларининг ҳисобдан чиқарилганлиги акс эттирилган | 7110, 7120 | 9360 | Инвентарлаш комиссиясининг қарори, корхона раҳбарининг буйруғи |
| 30 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7110, 7120 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 31 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7110, 7120 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 32 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган қарз банклардан олинган қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ҳисобига қопланган | 7110, 7120 | 6810, 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

## Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7200) боғланиши

Мазкур гуруҳ счётлари корхонанинг узоқ муддатга кечиктирилган мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7240 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»;

7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар»;

7290 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар».

7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг

дисконт (чегирмаси) ва устамаси бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради.

7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигациялар мукофоти (устамаси) бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради.

7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул маблағларини олиш ва товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муддатлари орасидаги фарқ билан боғлиқ корхона мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

7240 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётида қонунчиликка мувофиқ ваколатли ҳокимият органларининг қарори бўйича бир неча йилга кечиктириб тўлашга рухсат этилган солиқлар бўйича бюджет олдидаги узоқ муддатли қарзлар ва мажбурий тўловлар акс эттирилади.

7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётида вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келадиган кечиктирилган фойда солиғи суммаси акс эттирилади.

Фойда солиғи бўйича харажатлар корхонанинг ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобланади. Ушбу харажатлар корхона томонидан даромадни олиш давомида амалга оширилган деб қаралиб, тегишли даромадлар ва харажатлар юзага келган даврда ҳисобланади ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бунда ҳисоб даромадидан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғи харажатлари ва солиқ солинадиган даромаддан келиб чиқиб ҳисобланган тўланадиган фойда солиғи ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқ сифатида ҳисобга олинади ва 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

7290 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётида 7210—7250 счётларида кўрсатилмаган корхонанинг бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлари акс эттирилади.

Ушбу счётларнинг кредитида узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар шакллантирилади, дебетида эса уларнинг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Узоқ муддатли облигациялар чегирма билан харид қилинганда дисконт суммаси акс эттирилган | 0610 | 7210, 5110-5530 | Облигация келишуви, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 2 | Қисқа муддатли облигациялар чегирма билан харид қилинганда дисконт суммаси акс эттирилган | 5810 | 6210 | Облигация келишуви, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 3 | Кечиктирилган дисконтнинг узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7210 | 6210 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 4 | Облигациялар мукофот билан сотилганда мукофот суммаси акс эттирилган | 5110-5530 | 7220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 5 | Кечиктирилган мукофотнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ҳисобдан чиқарилган | 7220 | 6220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 6 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 7 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 8 | Келгусида товар-моддий қимматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш учун пул маблағларининг келиб тушиши | 5110 | 7230 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 9 | Келгусида товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш учун валюта маблағларининг келиб тушиши | 5210, 5220 | 7230 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |
| 10 | Келгусида товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш учун банклардаги махсус ҳисоб-китоб счётларига пул маблағларининг келиб тушиши | 5530 | 7230 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |
| 11 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7230 | 7231 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 12 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа кечиктирилган даромадлар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7230 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 13 | Тайёр маҳсулот сотилиши давомида кечиктирилган даромад даромадлар таркибига киритилган | 7230 | 9010 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 14 | Кечиктирилган даромадлар узоқ муддатли қисмининг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7230 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 15 | Товарлар сотилиши давомида кечиктирилган даромад даромадлар таркибига киритилган | 7230 | 9020 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 16 | Ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши давомида кечиктирилган даромад даромадлар таркибига киритилган | 7230 | 9030 | Ҳисобварақ-фактура, ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилган-лиги далолат-номаси |
| 17 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган кечикти-рилган даромадлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7290 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси |
| 18 | Қонун ҳужжатларига му-вофиқ ваколатли ҳоки-мият органларининг қарорига биноан тўлаш муддатини кечикти-ришга рухсат этилган муддати кечиктирилган солиқлар бўйича маж-бuriятлар акс эттирилган | 6410 | 7240 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси |
| 19 | Қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли ҳокимият органларининг қарорига биноан тўлаш муддатини кечикти-ришга рухсат этилган мақсадли давлат жам-ғармаларига тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилган | 6520 | 7240 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси |
| 20 | Ҳисобот даврида бюд-жетга тўланадиган со-лиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирил-ган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисобдан чиқарилган | 7240 | 6240 | Ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоб-китоби |
| 21 | Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар акс эттирилган | 9810 | 7250 | Бухгалтерия-нинг ҳисоб-китоб маълу-мотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 22 | Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7250 | 6250 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7300) боғланиши

Корхонанинг буюртмачиларга қисман тайёр товар-моддий қийматликларни етказиб бериши ёки иш бажариши ва хизматлар кўрсатиши учун олган бўнаклари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида амалга оширилади. Олинган бўнак суммалари, шунингдек қисман тайёр маҳсулот (иш, хизмат) учун олинган тўловлар суммаси 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар дебети билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган узоқ муддатли бўнаклар суммасининг жорий қисмга ўтказилиши 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётининг дебети бўйича 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган олинган бўнаклар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7310 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 2 | Буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ва амалга оширилган ишлар учун қисман тўлов бўйича товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун нақд пул билан бўнаклар олинган | 5010 | 7310 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома, касса ордери |
| 3 | Буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ва амалга оширилган ишлар учун қисман тўлов бўйича товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун ҳисоб-китоб счётига бўнаклар олинган | 5110 | 7310 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |
| 4 | Буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ва амалга оширилган ишлар учун қисман тўлов бўйича товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун валюта ҳисоб-китоб счётига бўнаклар олинган | 5210, 5220 | 7310 | Банк валюта ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |
| 5 | Буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ва амалга оширилган ишлар учун қисман тўлов бўйича товар-моддий қийматликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш учун махсус ҳисоб-китоб счётига бўнаклар олинган | 5530 | 7310 | Банк махсус ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, шартнома |
| 6 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган олинган бўнаклар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7310 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 7 | Харидорларга (буюртмачиларга) тўлиқ ортиб жўнатилган маҳсулот, товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 4010 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 8 | Бошқа дебиторларга (буюртмачиларга) тўлиқ ортиб жўнатилган асосий воситалар ва бошқа активлар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 4890 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 9 | Узоқ муддатли бўнаклар жорий қисмининг ўтказилиши акс эттирилган | 7310 | 6310 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 10 | Харидорларга (буюртмачиларга) 100 % олдиндан тўлов шарти билан ортиб жўнатилган маҳсулот учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 9010 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар |
| 11 | Харидорларга (буюртмачиларга) 100 % олдиндан тўлов шарти билан ортиб жўнатилган товарлар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 9020 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар |
| 12 | Харидорларга (буюртмачиларга) 100 % олдиндан тўлов шарти билан кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 9030 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 13 | Харидорларга (буюртмачиларга) тўлиқ ортиб жўнатилган (берилган) | 7310 | 9210 | Бажарилган ишлар далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | асосий воситалар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | | | |
| 14 | Харидорларга (буюртмачиларга) тўлиқ ортиб жўнатилган (берилган) бошқа активлар учун счётлар тақдим этилганда, олинган бўнаклар суммаси ўзаро ҳисоб-китоб қилинган | 7310 | 9220 | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 15 | Олинган бўнакларнинг нақд пул билан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 5010 | Чиқим касса ордери, даъво ҳужжатлари |
| 16 | Олинган бўнакларнинг ҳисоб-китоб счётидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 5110 | Тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 17 | Олинган бўнакларнинг валюта ҳисоб-китоб счётидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 5210, 5220 | Тўлов топшириқномаси, банк валюта счётидан кўчирма, даъво ҳужжатлари |
| 18 | Олинган бўнакларнинг махсус ҳисоб-китоб счётидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 5530 | Тўлов топшириқномаси, банк махсус счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 19 | Олинган бўнакларнинг пул ўтказиш йўли билан қайтарилиши акс эттирилган (бунга қадар суммалар йўлда деб ҳисобланган) | 7310 | 5710 | Тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 20 | Олинган бўнакларнинг банкларнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 6810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 21 | Олинган бўнакларнинг банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 22 | Олинган бўнакларнинг бошқа корхоналарнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 6820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 23 | Олинган бўнакларнинг бошқа корхоналарнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан қайтарилиши акс эттирилган | 7310 | 7820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, даъво ҳужжатлари |
| 24 | Фойдаланилмаган бўнаклар даъво тақдим этиш муддатида ҳисобдан чиқарилган (бўнак суммалари 5 йил давомида балансдан ташқари счётда ҳисобда туради) | 7310 | 9390 | Инқирозга учраганлиги тўғрисида қарор, тугатиш тўғрисида қарор, инвентарлаш комиссиясининг қарори, буйруқ |
| 25 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган олинган бўнаклар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7310 | 6230 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 26 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган олинган бўнаклар бўйича валютадаги мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7310 | 9540 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7800) боғланиши

Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар корхонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олган узоқ муддатли (12 ойдан узоқ муддатга) кредит ва қарзларининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»;

7820 «Узоқ муддатли қарзлар»;

7830 «Тўланадиган облигациялар»;

7840 «Тўланадиган векселлар».

Олинган узоқ муддатли банк кредитлари суммалари 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Узоқ муддатли банк кредитларини жорий қисмга ўтказишда тегишли суммага 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти дебетланади ва 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти кредитланади, бунда узоқ муддатли банк кредитининг бошланғич қиймати камайтирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуна кирим қилинган | 0710, 0720 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 2 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига капитал қурилиш бўйича ишлар бажарилган | 0810 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига асосий воситаларни ўрнатиш ва созлаш ишлари бажарилган | 0810 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 4 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига олинган материаллар кирим қилинган | 1010-1090 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 5 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига олинган ҳайвонлар кирим қилинган | 1110, 1120 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 6 | 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланилган ҳолда узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган материаллар кирим қилинган | 1510 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 7 | Узоқ муддатли банк кредити ҳисобига олинган товарлар кирим қилинган | 2910 | 7810 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 8 | Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисоб-китоб счётига олинган | 5110 | 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 9 | Узоқ муддатли банк кредитлари валюта ҳисоб-китоб счётига олинган | 5210, 5220 | 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 10 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 11 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7810 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 12 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7810 | 6230 | Кредит шартномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 13 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7810 | 9540 | Кредит шартномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 14 | Узоқ муддатли банк кредитининг жорий қисмга ўтказилиши акс эттирилган | 7810 | 6950 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 15 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуна кирим қилинган | 0710, 0720 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 16 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига капитал қурилиш бўйича ишлар бажарилган | 0810 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 17 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига асосий воситаларни ўрнатиш ва созлаш бўйича ишлар бажарилган | 0810 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 18 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган материаллар кирим қилинган | 1010-1090 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 19 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган ҳайвонлар кирим қилинган | 1110 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 20 | 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланилган ҳолда бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган материаллар кирим қилинган | 1510 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 21 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредит ҳисобига олинган товарлар кирим қилинган | 2910 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, кредит шартномаси |
| 22 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредитлар ҳисоб-китоб счётига олинган | 5110 | 7820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 23 | Бошқа корхона томонидан берилган узоқ муддатли кредитлар валюта ҳисоб-китоб счётига олинган | 5210, 5220 | 7820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 24 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа корхонадан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 25 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа корхонадан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7820 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 26 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа корхонадан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7820 | 6230 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 27 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган бошқа корхонадан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7820 | 9540 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқи ҳисоб-китоби |
| 28 | Кредитлаш шартномасига мувофиқ кредит учун фоизлар кредит бўйича қарз таркибига киритилган | 9610 | 7820 | Кредит шартномаси, фоизлар ҳисоб-китоби |
| 29 | Узоқ муддатли қарз ҳисобига тўланадиган счётлар қопланган | 6010 | 7820 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати, тўлов топшириқномаси, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 30 | Узоқ муддатли тўланадиган облигациялар чиқарилганлиги учун нақд пул суммалари олинган | 5010 | 7830 | Кирим касса ордери, кассир ҳисоботи |
| 31 | Узоқ муддатли тўланадиган облигациялар чиқарилганлиги учун ҳисоб-китоб счётига суммалар олинган | 5110 | 7830 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 32 | Узоқ муддатли тўланадиган облигациялар чиқарилганлиги учун валюта ҳисоб-китоб счётига суммалар олинган | 5210, 5220 | 7830 | Банк валюта ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 33 | Узоқ муддатли тўланадиган облигациялар чиқарилганлиги учун махсус ҳисоб-китоб счётига суммалар олинган | 5530 | 7830 | Банк махсус ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 34 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган тўланадиган облигациялар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 3290 | 7830 | Кредит шартномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоб-китоби |
| 35 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган тўланадиган облигациялар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7830 | Кредит шартномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоб-китоби |
| 36 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан чет эл валютасида ифодаланган тўланадиган облигациялар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7830 | 6230 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоб-китоби |
| 37 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган тўланадиган облигациялар бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган | 7830 | 9540 | Кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, курс фарқини аниқлаш ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 38 | Тўланадиган облигациялар бўйича узоқ муддатли қарздан жорий қисмга ўтказиш акс эттирилган | 7830 | 6830 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 39 | Узоқ муддатли тўланадиган вексель бўйича пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига олинган | 5110 | 7840 | Вексель, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 40 | Тўланадиган векселлар бўйича узоқ муддатли қарздан жорий қисмга ўтказиш акс эттирилган | 7840 | 6840 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7900) боғланиши

Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар корхонанинг турли жисмоний ва юридик шахслар олдидаги молиявий ижара, нотижорат операциялар (ўқув юртлари, илмий корхоналар ва ҳ.к.); транспорт корхоналарининг кўрсатган хизматлари бўйича; суд органларининг қарорларига ёки ижро ҳужжатларига асосан турли корхоналар ва алоҳида шахслар манфаати учун корхона ишчиларининг меҳнат ҳақидан ушланган суммалар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7910 «Тўланадиган молиявий ижара»;

7920 «Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар».

7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счётида ижара олинган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Корхонага келиб тушган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи олдидаги қарзлар 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти

билан боғланган ҳолда 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счётининг кредитида ҳисобга олинади.

Корхонанинг турли кредиторларға бўлган узоқ муддатли қарзлари 7920 «Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлар» счётининг кредитида товар-моддий қийматликлар ва харажатларни ҳисобга олувчи тегишли счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Молиявий ижара объектларини белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши акс эттирилган: | | | Молиявий ижара (лизинг) шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| | — узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмига | 0310 | 6950 | |
| | — молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар суммасига | 0310 | 7910 | |
| 2 | Молиявий ижара объектларини белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ижара объектлари ижарачи (лизинг олувчи)нинг бухгалтерлик ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинадиган қиймат бўйича кирим қилинган | 0800 | 7910 | Молиявий ижара шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 3 | Молиявий ижара объектларини белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммаси акс эттирилган | 0800 | 1000, 6700, 6500 ва б. | Юкхатлар, меҳнат ҳақи бўйича қайдномалар ва б. |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 4 | Молиявий ижара объектларини бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга тушириш (уларни асосий воситалар таркибига ўтказиш) акс эттирилган | 0310 | 0800 | Молиявий ижара шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 5 | Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга доир эскириш ҳисобга олинган (молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган вазифасига боғлиқ ҳолда) | 2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва б. | 0299 | Амортизацияни ҳисобга олиш қайдномаси |
| 6 | Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ишга яроқли ҳолатда сақлаш (жорий, ўртача ёки тўлиқ таъмирлов ва б.) билан боғлиқ харажатлар суммаси акс эттирилган | 2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва б. | 1000, 6700, 6500 ва б. | Юкхатлар, меҳнат ҳақи бўйича қайдномалар ва б. |
| 7 | Ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ, молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг ҳар йили жорий қисмга ўтказилиши | 7910 | 6950 | Молиявий ижара шартномаси, жорий қисм ҳисоб-китоби |
| 8 | Ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ, молиявий ижара бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилган | 9610 | 6920 | Ижара тўловлари жадвали, фоизлар ҳисоб-китоби |
| 9 | Ижара (лизинг) тўлови жорий қисмининг ижарага берувчи (лизингга берувчи)га тўланиши акс эттирилган | 6950 | 5110, 5210 | Ижара тўловлари жадвали, фоизлар ҳисоб-китоби |
| 10 | Молиявий ижара бўйича фоизлар тўлови акс эттирилган | 6920 | 5110 | Ижара тўловлари жадвали, фоизлар ҳисоб-китоби |
| 11 | Бошқа шахслардан узоқ муддатли қимматли қоғозлар харид қилинган | 0610 | 7920 | Юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 12 | Ўрнатиладиган асбоб-ускунани етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун турли кредиторларга бўлган қарз акс эттирилган | 0710, 0720 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 13 | Турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан капитал қурилиш билан боғлиқ кўрсатилган хизматлар акс эттирилган | 0810 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 14 | Асосий воситаларни харид қилишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 0820 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 15 | Номоддий активларни харид қилиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун турли кредиторларга бўлган қарз акс эттирилган | 0830 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 16 | Материалларни харид қилишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 1010-1090 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 17 | Ҳайвонларни харид қилишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 1110, 1120 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 18 | 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланилган ҳолда, материалларни харид қилишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 1510 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 19 | Асосий ишлаб чиқариш учун турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 2010 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 20 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш учун турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳоказо хизматлар) акс эттирилган | 2310 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 21 | Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 2510 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 22 | Товарларни харид қилишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 2910, 2990 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 23 | Товарларни харид қилишда, келгуси давр харажатларига киритиладиган, турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 3190 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 24 | Бошқа шахслардан пул эквивалентлари келиб тушган | 5610 | 7920 | Юкхат |
| 25 | Бошқа шахслардан пул ўтказмалари келиб тушган | 5710 | 7920 | Юкхат |
| 26 | Бошқа шахслардан қисқа муддатли қимматли қоғозлар харид қилинган | 5810 | 7920 | Юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 27 | Асосий воситалар чиқиб кетишида турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 9210 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 28 | Бошқа активлар чиқиб кетишида турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 9220 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 29 | Тайёр маҳсулот ва товарларни сотишда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 9410 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 30 | Маъмурий мақсадларда турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар (транспорт ва ҳ.к. хизматлар) акс эттирилган | 9420 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, товар-транспорт юкхати |
| 31 | Маданий-маърифий муассасалари ва соғломлаштириш оромгоҳлари таъминоти бўйича турли ташкилотлар ва корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар акс эттирилган | 9430 | 7920 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |

# IV ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

## VIII БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР

VIII бўлимнинг счётлари хусусий капитал ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотни умулаштириш учун мўлжалланган.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосга мувофиқ, хусусий капитал субъектнинг мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активи ҳисобланади.

Капитал — бу мажбуриятлар чегирилган активларнинг қийматини, яъни у келажакда мажбуриятларни қоплаш учун йўналтирилмайдиган активларнинг қийматини ифодалайди.

Ҳисобварақлар режасида хусусий капиталнинг қуйидаги таркибий қисмлари алоҳида акс эттирилиши лозим:

— устав капитали;

— қўшилган капитал;

— резерв капитали;

— тақсимланмаган фойда;

— мақсадли тушумлар;

— келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резерв.

Қуйидагилар капитал ҳисоби юритилишини тартибга солувчи асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310–II-сон Қонуни;

— Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308–II-сон Қонуни;

— Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223–I-сон Қонуни;

— Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил

26 июлда 17–07/86-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сон БҲМС) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сон БҲМС) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (молия вазирининг 2004 йил 1 мартдаги 36-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2004 йил 7 апрелда 1335-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўгрисида низом (2002 йил 29 октябрдаги ЎзР МИСВнинг 4-сон, МВнинг 129-сон, ДСҚнинг 2002–86-сон қарори билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

— Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом (2005 йил 24 февралдаги ЎзР МВнинг 29-сон, ДСҚнинг 2005–25-сон, ДБҚнинг 01–02/8–3-сон қарори билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

### Устав капитали (жамғармаси)ни ҳисобга олувчи счётларнинг (8300) боғланиши

Устав капитали (жамғармаси)ни ҳисобга олувчи счётлар корхона устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8310 «Оддий акциялар»;

8320 «Имтиёзли акциялар»;

8330 «Пай ва улушлар».

Устав капитали — бу таъсис ҳужжатида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) корхонани барпо этишда унинг мулкига қўйган ҳиссалари (улушлари, акциялар номинал қийматида ва ҳоказолар)нинг пул ифодасидаги йиғиндисидир. Устав капиталини шакллантириш жараёни корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ равишда таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

Устав капитали счёти бўйича сальдо унинг таъсис ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилган ҳажмига мувофиқ бўлиши лозим. Корхона устав капиталининг ҳар қандай кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори асосида таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларида акциядорлик капитали ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборот оддий акциялар бўйича 8310 «Оддий акциялар» счётида, имтиёзли акциялар эса — 8320 «Имтиёзли акциялар» счётида шакллантирилади. Агар корхона акциядорлик жамиятидан фарқланадиган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда (масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, хусусий корхона, давлат корхонаси ва ҳоказолар) ташкил этилган тақдирда, устав капиталининг миқдори 8330 «Пай ва улушлар» счётида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, жамият иштирокчилари жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар ҳар бир иштирокчи ўзининг жамият устав жамғармаси (капитали)да таъсис ҳужжатлари билан қайд этилган улушининг камида 30 %ини киритишга мажбур, жамият иштирокчилари ўз бадалларининг қолган қисмини таъсис ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда киритишлари мумкин ва ушбу муддат жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим. Жамият иштирокчиси томонидан тўлиқ бадал киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилган иштирокчиларнинг улушлари суммасида, оддий акцияларга обуна суммасида тасдиқланган (хўжалик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган кунга) | 4610 | 8310 | Таъсис ҳужжатлари, акциядорларни рўйхатга олиш журнали |
| 2 | Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилган иштирокчиларнинг улушлари суммасида, имтиёзли акцияларга обуна суммасида тасдиқланган (хўжалик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган кунга) | 4610 | 8320 | Таъсис ҳужжатлари, акциядорларни рўйхатга олиш журнали |
| 3 | Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилган иштирокчиларнинг улушлари суммасида тасдиқланган (МЧЖ, ҚМЖ, ХК, ДК давлат рўйхатидан ўтказилган кунга) | 4610 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси |
| 4 | Устав капитали таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилган иштирокчиларнинг улушлари суммасида, оддий акцияларга обуна суммасида оширилган (оширилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин) | 4610 | 8310 | Таъсис ҳужжатлари |
| 5 | Акциядорлик жамиятининг устав капитали қўшимча имтиёзли акцияларни чиқариш йўли билан оширилган (оширилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин) | 4610 | 8320 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси |
| 6 | Устав капитали оширилган (МЧЖ, ҚМЖ, ХК, ДК давлат рўйхатидан ўтказилган кунга) | 4610 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 7 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича асосий воситалар киритилган | 0110-0190 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 8 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича номоддий активлар киритилган | 0400 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 9 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича узоқ муддатли қимматли қоғозлар киритилган | 0610 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 10 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича ўрнатиладиган асбоб-ускуналар киритилган | 0710, 0720 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 11 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича тугалланмаган қурилиш объекти киритилган | 0810 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 12 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича материаллар киритилган | 1000 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 13 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича ўстиришдаги ва бўрдоқига боқувдаги ҳайвонлар киритилган | 1110, 1120 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 14 | 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланилган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича материаллар киритилган | 1510 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 15 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича тайёр маҳсулот киритилган | 2810 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 16 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича товарлар киритилган | 2910 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 17 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан пул маблағлари киритилган | 5010, 5110, 5210, 5220 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 18 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан банкдаги махсус ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари киритилган | 5530 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 19 | Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда МЧЖ таъсисчилари томонидан келишилган қиймат бўйича қисқа муддатли қимматли қоғозлар киритилган | 5810 | 8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси, гувоҳнома |
| 20 | Резерв капиталининг маблаглари устав капиталини оширишга йўналтирилган | 8520 | 8310-8330 | Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлисининг баённомаси |
| 21 | Фойданинг бир қисми устав капиталини оширишга йўналтирилган: | | | Таъсисчилар мажлисининг баённомаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | — ҳисобланган дивидендлар миқдорида | 8710 | 6610 | |
| | — устав капиталини оширишга йўналтириладиган фойда миқдорида | 6610 | 8310-8330 | |
| 22 | Устав капитали тўланган капитал миқдоригача пасайтирилган | 8310-8330 | 4610 | Таъсисчилар нинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 23 | Корхона таъсисчиларига улушлари қайтарилганлиги акс эттирилган; акцияларнинг номинал қиймати пасайтирилган; устав капитали (жамғармаси) пасайтирилган | 8310-8330 | 6620 | Таъсисчиларни қарори |
| 24 | Сотиб олинган ва бекор қилинган акциялар устав капиталини камайтиришга ҳисобдан чиқарилган: | | | Таъсисчиларнинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | а) улар номинал қийматидан юқори баҳода сотиб олинганда: | | | |
| | — номинал қийматига | 8310, 8320 | 8610, 8620 | |
| | — номинал қийматидан ортиқ бўлган суммага | 8410, 9690 | 8610, 8620 | |
| | б) улар номинал қийматидан паст баҳода сотиб олинганда: | | | |
| | — сотиб олиш қийматига | 8310, 8320 | 8610, 8620 | |
| | — номинал қийматидан паст бўлган суммага | 8310, 8320 | 9590 | |
| 25 | Корхона фойдаси ҳисобидан меҳнат жамоаси аъзоларига текинга берилган акциялар қиймати акс эттирилган | 4610<br><br>8710 | 8310, 8320<br>4610 | Акцияларни бериш қайдномаси |
| 26 | Мақсадли молиялаштириш маблағлари (мақсадли дастурларни молиялаштириш учун | 8810-8890 | 8310-8330 | Таъсисчиларнинг қарори |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | олинганларидан ташқари) устав капиталини оширишга йўналтирилган | | | |
| 27 | Хусусий сотиб олинган акциялар акциядорлик жамияти томонидан бекор қилинган | 8310, 8320 | 8610 | Таъсисчиларнинг қарори |
| 28 | Имтиёзли акцияларнинг оддий акцияларга алмаштирилиши (конвертация қилиниши) акс эттирилган | 8320 | 8310 | Таъсисчиларнинг қарори |

## Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётларнинг (8400) боғланиши

Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори кўринишидаги қўшилган капитал мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни, яъни акциялар бошланғич сотилишида номинал қийматидан юқори баҳоларда олинган даромадни, шунингдек устав капиталини шакллантиришда пайдо бўладиган курс фарқлари суммаларини умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8410 «Эмиссия даромади»;

8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи».

8410 «Эмиссия даромади» счёти акцияларни бошлангич сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган маблаглар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур счётнинг кредитида маблағлар келиб тушиши, дебети бўйича — сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда номинал ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқни қоплаш учун маблағлардан фойдаланиш ҳисобга олинади.

Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўладиган курс фарқлари 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида акс эттирилади. Таъсисчилар томонидан чет эл валютасида киритиладиган қийматликларни баҳолашда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи ушбу счётнинг кредитида, манфий курс фарқи эса — дебетида акс эттирилади. Устав капиталини шакллантиришда манфий курс фарқи суммасининг мусбат курс фарқи суммасидан ошиши 9620 «Валюта курс фарқларидан зарарлар» счёти дебетига киритилади. Курс фарқларининг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушини ўзгартирмаслик имконини беради.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Акцияларнинг номинал қиймати билан эмиссия қиймати ўртасидаги фарқига навбатдаги эмиссияда қўшимча тўланган капиталдан маблағлар келиб тушган | 5010, 5020 | 8410 | Кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 2 | Хусусий сотиб олинган акциялар сотиб олиш қийматидан юқори баҳоларда қайтадан сотилганидан маблағлар келиб тушган | 5010, 5020 | 8410 | Кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 3 | Акциялар сотиб олинган қийматидан паст баҳоларда қайтадан сотилганида қўшилган капитал маблағларидан фойдаланилган | 8410 | 8610, 8620 | Таъсисчиларнинг қарори, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 4 | Сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда уларнинг номинал қиймати билан сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқни қоплаш учун қўшилган капитал маблағларидан фойдаланилган | 8410 | 8610, 8620 | Таъсисчиларнинг қарори |
| 5 | Устав капиталини шакллантиришда капитал валютадаги нақд пул билан тўланган пайтда | 5020 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | | | |
| 6 | Устав капиталини шакллантиришда валюта ҳисоб-китоб рақамига нақд пул билан тўланган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 5210, 5220 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 7 | Устав капиталини шакллантиришда амалда асосий воситалар билан киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 0110-0190 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 8 | Устав капиталини шакллантиришда амалда тугалланмаган қурилиш объекти киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 0810 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 9 | Устав капиталини шакллантиришда амалда номоддий активлар билан киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 0410-0490 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 10 | Устав капиталини шакллантиришда амалда материаллар билан киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 1010-1090 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 11 | Устав капиталини шакллантиришда амалда ўстиришдаги ва бўрдоқига боқувдаги бўлган ҳайвонлар билан киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 1110, 1120 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 12 | Устав капиталини шакллантиришда амалда товарлар билан киритилган пайтда пайдо бўладиган мусбат курс фарқи акс эттирилган | 2910 | 8420 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 13 | Корхона тугатилганда ёки чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушига мутаносиб равишда эмиссия даромадлари жамлаган суммасининг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши акс эттирилган | 8410 | 6620 | Таъсисчилар қарори |
| 14 | Корхона тугатилганда ёки чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушига мутаносиб равишда устав капиталини шакллантириш пайтида пайдо бўлган курс фарқи жамлаган суммасининг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши акс эттирилган | 8420 | 6620 | Таъсисчилар қарори |

## Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларнинг (8500) боғланиши

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар корхона таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520 «Резерв капитали (жамғармаси)»;

8530 «Текинга олинган мулк».

8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида мулкларни қайта баҳолаш натижасида қийматида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади. Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв ка-

питалининг шаклланиши ва тўлдирилиши мазкур счётнинг кредитида қайта баҳолаш натижасида қўшимча баҳоланган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида мулкларнинг қиймати арзонлаштирилса, камайган сумма ўша мулкнинг аввалги қўшимча баҳоланиши ҳисобига тўлдирилади ва у ушбу счётнинг дебетида акс эттирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилиши лозим.

8520 «Резерв капитали (жамғармаси)» счёти корхона томонидан таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Резерв капиталининг шаклланиши 8520 «Резерв капитали» счётининг кредитида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади, резерв капиталидан фойдаланиш эса — ушбу счётнинг дебетида акс эттирилади.

8530 «Текинга олинган мулк» счёти корхона томонидан текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Текинга олинган мулклар 8530 «Текинга олинган мулк» счётининг кредитида корхона мулкларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Текинга олинган мулклар қиймати солиққа тортиш мақсадида корхонанинг умумий даромадига қўшилади.

| **Т/р** | **Хўжалик операциясининг мазмуни** | **Боғланувчи счётлар** | | **Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар** |
|---|---|---|---|---|
| | | **дебет** | **кредит** | |
| 1 | Асосий воситаларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0110-0199 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0310 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Номоддий активларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0410-0490 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 4 | Узоқ муддатли инвестицияларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0610-0690 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 5 | Ўрнатиладиган асбоб-ускунанинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0710-0720 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 6 | Тугалланмаган қурилиш ва капитал қўйилмаларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган | 0810-0890 | 8510 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 7 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида асосий воситаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 0110-0199 | Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 8 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 0310 | Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 9 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида номоддий активларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 0410-0490 | Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 10 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати пасай- | 8510 | 0610-0690 | Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | тирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | | | бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 11 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 0710-0720 | Қийматни пасайтириш тўгрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 12 | Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида тугалланмаган қурилиш ва капитал қўйилмаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 0810-0890 | Қийматни пасайтириш тўгрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 13 | Корхона тугатилишида мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши акс эттирилган | 8510 | 6620 | Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси |
| 14 | Илгари бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган ва қўшимча баҳоланган сумма қимматли қоғозларга йўналтирилган маблағларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар киритиш счётига киритилган қимматли қоғозлар сотилиши натижасида резерв капитали камайтирилган | 8510 | 9560 | Банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 15 | Қуйидагиларга асосан эскириш суммасини индексациялаш акс эттирилган: | | | Қийматни ошириш ва пасайтириш тўгрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — қўшимча баҳоланган | 8510 | 0211-0299 | |
| | — қиймати пасайтирилганда | 0211-0299 | 8510 | |
| 16 | Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинадиган асо- | 8510 | 9210 | Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси, |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | сий воситалар объектлари чиқиб кетишида қайта баҳолаш натижалари (сальдо)нинг ҳисобдан чиқарилиши (ушбу асосий восита объекти бўйича илгари қўшимча баҳоланган суммалар илгари қиймати пасайтирилган суммалардан ортиғи) акс эттирилган | | | бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 17 | Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинадиган номоддий активлар объектлари чиқиб кетишида қайта баҳолаш натижалари (сальдо)нинг ҳисобдан чиқарилиши (ушбу номоддий актив объекти бўйича илгари қўшимча баҳоланган суммалар илгари қиймати пасайтирилган суммалардан ортиғи) акс эттирилган | 8510 | 9220 | Номоддий активларни тугатиш далолатномаси, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 18 | Таъсис ҳужжатлари ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибга мувофиқ резерв капиталига йўналтириладиган жорий йил бўйича тақсимланмаган фойданинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 8710 | 8520 | Таъсис ҳужжатлари, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 19 | Зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳисобига резерв капитали камайтирилган | 8520 | 8710 | Акциядорлар умумий мажлисининг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 20 | Корхона тугатилишида турли дебиторлар қарзларини ҳисобдан чиқариш ҳисобига резерв капитали камайтирилган | 8520 | Турли дебиторларнинг счётлари | Тугатиш комиссиясининг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 21 | Корхона тугатилишида резерв капитали ҳисобидан таъсисчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланган | 8520 | 6610, 6620 | Дивидендларни ҳисоблаш қайдномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 22 | Иштирокчиларга дивидендлар тўлаш учун жорий йил бўйича фойда етишмаган тақдирда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган резерв капитали суммалари акс эттирилган | 8520 | 6610 | Таъсисчилар қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 23 | Асосий воситалар текинга олинган | 0110-0190 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 24 | Номоддий активлар текинга олинган | 0410-0490 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 25 | Узоқ муддатли қимматли қоғозлар текинга олинган | 0610 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 26 | Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар текинга олинган | 0710, 0720 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 27 | Капитал қўйилмалар текинга олинган | 0810-0890 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 28 | Товарлар текинга олинган | 2910, 2990 | 8530 | Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 29 | Корхона тугатилишида текинга олинган мол-мулк ҳисобидан иштирокчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланган | 8530 | 6610, 6620 | Дивидендларни ҳисоблаш қайдномаси |

## Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётларнинг (8600) боғланиши

Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олинган хусусий акцияларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий»;

8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли».

Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар»-га нисбатан контрпассив счёт ҳисобланиб, акциядорлик жамиятларининг устав капитали миқдорини камайтиради ва балансда устав капитали умумий суммасидан чегириладиган сумма сифатида кўрсатилади.

Ушбу счётларнинг дебетида эмитент томонидан сотиб олинган оддий ва имтиёзли хусусий акцияларнинг қиймати ҳақиқий сотиб олиш баҳосида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар ва бошқа мулк шаклларига эга корхоналар сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар (8600)дан корхона томонидан бошқа қатнашувчиларга ёки учинчи шахсга бериш учун белгиланган тартибда сотиб олинган устав капиталидаги улушни ҳисобга олиш учун фойдаланади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Акциядорларга тегишли акциялар сотиб олиш баҳоси бўйича нақд пулга сотиб олинган | 8610, 8620 | 5010 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |
| 2 | Акциядорларга тегишли акцияларни сотиб олиш учун ҳисоб-китоб рақамидан сотиб олиш баҳоси бўйича пул ўтказилган | 8610, 8620 | 5110 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Акциядорларга тегишли акцияларни сотиб олиш учун валюта ҳисоб-китоб рақамидан сотиб олиш баҳоси бўйича пул ўтказилган | 8610, 8620 | 5210, 5220 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |
| 4 | Акциядорларга тегишли акцияларни сотиб олиш учун махсус ҳисоб-китоб рақамидан сотиб олиш баҳоси бўйича пул ўтказилган | 8610, 8620 | 5530 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |
| 5 | Таъсисчилар чиқиб кетишида хусусий сотиб олинган акциялар акс эттирилган | 8610, 8620 | 6620 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |
| 6 | Хўжалик юритувчи субъект иштирокчисининг улуши сотиб олиш баҳосида сотиб олинган | 8610, 8620 | 5110, 5210, 5220, 6620 | Таъсисчилар қарори, тўлов ҳужжатлари |
| 7 | Сотиб олинган хусусий акцияларнинг сотиб олиш қийматидан юқори баҳода қайтадан сотилиши акс эттирилган: | | | Таъсисчилар қарори, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| | — сотиш қийматига | 5010-5530 | 8610, 8620 | |
| | — сотиб олиш қийматидан ортиқ фарқ суммасига | 5010-5530 | 9590 | |
| 8 | Иштирокчиларнинг устав капиталидаги сотиб олинган улушини сотиб олиш қийматидан паст баҳода қайтадан сотиш акс эттирилган: | | | Таъсисчилар қарори, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| | — сотиш қийматига | 5010-5530 | 8610, 8620 | |
| | — сотиб олиш қийматидан паст фарқ суммасига | 9690 | 8610, 8620 | |
| 9 | Номинал қийматидан паст баҳода сотиб олинган хусусий акцияларнинг бекор қилиниши акс эттирилган: | | | Таъсисчилар қарори, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | — сотиб олиш қийматига | 8310, 8320 | 8610, 8620 | |
| | — номинал қийматидан паст фарқ суммасига | 8310, 8320 | 9590 | |
| 10 | Номинал қийматидан юқори баҳода сотиб олинган хусусий акция (пай)ларнинг бекор қилиниши акс эттирилган: | | | Таъсисчилар қарори, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| | — номинал қийматига | 8310, 8320 | 8610, 8620 | |
| | — номинал қийматидан ортиқ фарқ суммасига | 8410, 9690 | 8610, 8620 | |
| 11 | Устав капиталининг миқдори камайтирилганда хусусий акция (улуш)ларни сотиб олиш бўйича амалдаги харажатлар билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилган: | 8310, 8320 | 8610 | Таъсисчиларнинг қарори, бекор қилиш далолатномаси |
| | — амалдаги харажатлар номинал қийматидан ортиқ бўлган тақдирда | 9690 | 8610 | |
| | — амалдаги харажатлар номинал қийматидан паст бўлган тақдирда | 8610 | 9590 | |

## Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларнинг (8700) боғланиши

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар корхонанинг бутун фаолият даври ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)».

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида корхонанинг ҳисобот даврида фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетига 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Тақсимланмаган фойда суммаси дивидендлар тўлаш учун йўналтирилганда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебетида ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда суммасидан қонунчиликда белгиланган тартибда резерв капиталини шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, бунда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти дебетланади ва 8520 «Резерв капитали (жамғармаси)» счёти кредитланади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сон БҲМС) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 17-бандига мувофиқ тақсимланмаган фойдадан олдинги даврда содир этилган муҳим хатоларни тузатишда ва ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилганда фойдаланиш мумкин.

Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётидан 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счётига ўтказилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ҳисобот даврининг соф фойдаси якуний айланмалар билан ҳисобдан чиқарилган | 9910 | 8710 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Ҳисобот даврининг соф зарари якуний айланмалар билан ҳисобдан чиқарилган | 8710 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси корхона таъсисчиларига дивиденд (даромад)-ларни тўлаш учун йўналтирилган | 8710 | 6610, 6620 | Таъсисчиларнинг қарори, дивидендларни ҳисоблаш қайдномаси |
| 4 | Тақсимланмаган фойда резерв капиталини барпо этиш учун йўналтирилган: | | | Таъсисчиларнинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — ҳисобот йилининг фойдаси ҳисобидан | 8710 | 8520 | |
| | — жамланган фойда ҳисобидан | 8720 | 8520 | |
| 5 | Мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар харажатлар каби акс эттирилганда хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг оширилган суммасига | 4310-4330 | 8710 | |
| | — солиқнинг кам тўланган суммасига | 4310-4330 | 6410 | |
| 6 | Харидорлардан олинган бўнаклар даромадлар каби акс эттирилганда хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг камайтирилган суммасига | 8720 | 6310-6390 | |
| | — солиқнинг кўп тўланган суммасига | 4410 | 6310-6390 | |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 7 | Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши натижасида асосий воситалар бўйича амортизация кам ҳисобланганда ёки хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг камайтирилган суммасига | 8720 | 0210-0299 | |
| | — солиқнинг кўп тўланган суммасига | 4410 | 0210-0299 | |
| 8 | Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши натижасида асосий воситалар бўйича амортизация кўп ҳисобланганда ёки хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг оширилган суммасига | 0210-0299 | 8720 | |
| | — солиқнинг кам тўланган суммасига | 0210-0299 | 6410 | |
| 9 | Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши натижасида номоддий активлар бўйича амортизация кам ҳисобланганда ёки хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг камайтирилган суммасига | 8720 | 0510-0590 | |
| | — солиқнинг кўп тўланган суммасига | 4410 | 0510-0590 | |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 10 | Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши натижасида номоддий активлар бўйича амортизация кўп ҳисобланганда ёки хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг оширилган суммасига | 0510-0590 | 8720 | |
| | — солиқнинг кам тўланган суммасига | 0510-0590 | 6410 | |
| 11 | Сотилган маҳсулотнинг таннархини ортиқ суммада акс эттириш билан боғлиқ хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг оширилган суммасига | 2810, 2910 | 8720 | |
| | — солиқнинг кам тўланган суммасига | 2810, 2910 | 6410 | |
| 12 | Сотилган маҳсулотнинг таннархини кам суммада акс эттириш билан боғлиқ хатолар аниқланган тақдирда, тақсимланмаган фойда қолдиғи (сальдо) бўйича киритилган тузатишлар акс эттирилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — фойданинг камайтирилган суммасига | 8720 | 2810, 2910 | |
| | — солиқнинг кўп тўланган суммасига | 4410 | 2810, 2910 | |
| 13 | Ҳисобот йили бўйича тақсимланмаган фойда қолдиғи қуйидаги ҳолатларда жамланган фойдага киритилган: | | | Таъсисчиларнинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | — фойда олинган | 8710 | 8720 | |
| | — зарар кўрилган | 8720 | 8710 | |
| 14 | Устав капиталининг миқдори соф активларнинг миқдорига қадар етказилишида ҳисобот йили бўйича кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилган | 8310-8330 | 8710 | Таъсисчиларнинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 15 | Зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳисобига резерв капитали камайтирилган | 8520 | 8710 | Акциядорлар умумий мажлисининг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 16 | Таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари ҳисобига зарарлар қопланган | 8890 | 8710 | Таъсисчиларнинг қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

### Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётларнинг (8800) боғланиши

Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтарилмайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8810 «Грантлар»;

8820 «Субсидиялар»;

8830 «Аъзолик бадаллари»;

8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари»;

8890 «Бошқа мақсадли тушумлар».

У ёки бу тадбирларни мақсадли молиялаштириш манбаси сифатида олинган мақсадли молиялаштириш маблағлари, пул маблағлари, капитал қўйилмалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, товар-моддий қийматликлар ва ҳоказоларни ҳисобга олиш счётлари билан боғланган ҳолда, мақсадли молиялаштиришни ҳисобга олиш счётларининг кредити бўйича акс эттирилади.

Мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланиш мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича ва материаллар, меҳнат ҳақи, ижтимоий тўловлар ва ҳоказоларни ҳисобга олиш счётларининг кредити бўйича акс эттирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу счётлар, шунингдек асосий устав (нотижорат) фаолияти доирасида мақсадли даромадлар (тушумлар)ни ва мақсадли харажатларни ҳисобга олиши лозим бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) томонидан ҳам қўлланилади. Ҳар қандай мақсадли тушумлар даромадлар ва харажатлар сметаси тузилишини талаб қилади, ҳисобот даври якунлангандан кейин эса смета ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрланади.

Асосий устав (нотижорат) фаолияти доирасида вужудга келадиган харажатлар смета (бюджет) моддалари бўйича ҳисобга олинади. Ушбу моддаларнинг бандларини ташкилот мустақил равишда белгилайди, мақсадли тушумлардан фойдаланиш йўналишларини эса ўзининг донорлари, хайриячилари, грант берувчилари, аъзолари билан келишиши мумкин.

Биз «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларида солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби» деб номланган китоб муаллифларининг бажариладиган лойиҳалар кўп миқдорда бўлганида ва улар турли манбалар ҳисобига мураккаб молиялаштирилганда счётлар ишчи режасига мақсадли нотижорат дастурлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар, масалан, 2210 «Мақсадли молиялаштириш бўйича харажатлар»ни киритиш лозим деган таклифига қўшиламиз. Лойиҳалар (ёки босқичлар) бажарилиб борган сари ушбу счётларнинг қолдиқ (сальдо)лари молиялаштиришнинг тегишли манбаларига ўтказилиб борилади. Бошқа мақсадли тушумлар учун счётларнинг на-

мунавий режасида қўлланилмайдиган, яъни 8850, 8860, 8870, 8880 ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Бажарилаётган лойиҳаларнинг сони кам бўлиб ва уларнинг ҳар бири молиялаштиришнинг аниқ белгиланган манбаи билан богланган тақдирда, нотижорат фаолият бўйича харажатларни бевосита молиялаштиришнинг тегишли манбаларига ҳисобдан чиқариш мумкин. Масалан:

— грант бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланган:

Дебет 8810—8890 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»;

— материаллар сарф-харажат қилинган:

Дебет 8800 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар».

Лойиҳалар миқдори кўп бўлган тақдирда, харажатлар ҳисобини даставвал харажатларни ҳисобга олувчи счётларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

— меҳнат ҳақи ҳисобланган:

асосий ишчиларга:

Дебет 2210 «Мақсадли молиялаштириш бўйича харажатлар»;

маъмурий ходимларга:

Дебет 9420 «Маъмурий харажатлар»

Кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»;

— материаллар сарф-харажат қилинган:

асосий харажатларга:

Дебет 2210 «Мақсадли молиялаштириш бўйича харажатлар»;

маъмурий эҳтиёжлар учун:

Дебет 9420 «Маъмурий харажатлар»

Кредит 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар».

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ҳисобга олинган харажатлар қуйидаги ўтказмалар билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 8800 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 2210 «Мақсадли молиялаштириш бўйича харажатлар»

Кредит 9420 «Маъмурий харажатлар».

Нодавлат нотижорат ташкилотларида асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисобга олиш муаммоси мавжуд, чунки уларнинг қиймати узоқ муддат давомида молиялаштиришни камайтиришга киритилади.

Фараз қилайлик, мақсадли молиялаштириш бўйича қиймати 500 минг сўм бўлган компьютер олинган. Компьютердан фойдаланишнинг меъёрий муддати 5 йил.

Компьютер олинганда қуйидагича ўтказма берилади:

Дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» — 500 минг сўм.

Кредит 8800 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар» — 500 минг сўм.

Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблашнинг икки усулини назарда тутиш мумкин.

1. Эскириш ҳисоблашни қуйидаги ўтказмалар билан қайд этиш:

Дебет 8800 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар» — 8,3 минг сўм.

Кредит 0250 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши» — 8,3 минг сўм.

2. Грант ёки мақсадли молиялаштиришнинг бошқа тури муддати чекланган тақдирда, асосий воситалар ва амортизация ажратмаларини счётларнинг ишчи режасига 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активлардаги жамғармаси» счётини киритиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, лойиҳани ўзлаштириш муддати — икки йил. Ушбу вақт ичида 200 минг сўмлик эскириш жамғарилади ва мақсадли молиялаштириш счётидаги қолдиқ 300 минг сўмни ташкил этади. Мазкур сумма қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 8800 «Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар» — 300 минг сўм.

Кредит 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активлардаги жамғармаси» — 300 минг сўм.

Кейинчалик эскириш ҳисобланганда қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активлардаги жамғармаси» — 8,3 минг сўм.

Кредит 0250 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши» — 8,3 минг сўм.

Солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида пайдо бўлган бўшаган суммаларни мақсадли вазифаларни ҳал этиш учун йўналтириш шарти билан берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг турлари бўйича 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётида олиб борилади.

Солиқ ва божхона имтиёзларини ҳисоблашда уларни муфассал ҳисобга олиш учун хўжалик юритувчи субъектлар счётларининг ишчи режасига қуйидаги счётлар киритилади:

а) бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) гуруҳида «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6400) гуруҳида «Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»;

в) суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) гуруҳида «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар — солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»;

г) турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) гуруҳида «Импортда ҚҚС ва акциз бўйича солиқ имтиёзлари ҳисобланган (турлари бўйича)».

Солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар суммаси бюджетга тўловлар бўйича қарзни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи счётларда дебетланади ва 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётида кредитланади.

Солиқлардан озод қилиш натижасида вужудга келган суммалар берилган имтиёз муддати белгиланганда — имтиёз муддати тугагандан кейин, қолган ҳолатларда эса — ҳар йили 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётининг дебетидан 8530 «Текинга олинган мулк» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ажратилган грантлар ва субсидиялар тўғрисида билдирги олинган | 4890 | 8810-8890 | Грантлар берилиши тўғрисида қарор |
| 2 | Ажратилган грантлар ва субсидиялар бўйича маблағлар ҳисоб-китоб счётига олинган | 5110 | 4890 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 3 | Ажратилган грантлар ва субсидиялар бўйича маблағлар валюта ҳисоб-китоб счётига олинган | 5210-5220 | 4890 | Банк валюта ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 4 | Ажратилган грантлар ва субсидиялар бўйича маблағлар махсус ҳисоб-китоб счётига олинган | 5530 | 4890 | Банк махсус ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 5 | Аъзолик бадаллари келиб тушган | 5010-5530 | 8830 | Банкдаги счётлардан кўчирмалар, кирим касса ордери |
| 6 | Тегишли тузилмаларнинг қарорига мувофиқ илгари олинган грантлар ва субсидиялар суммалари резерв капиталини оширишга киритилган | 8810 | 8530 | Устав капиталини ошириш тўғрисида қарор |
| 7 | Мақсадли фойдаланиш учун олинган асосий воситалар кирим қилинган | 0110-0190 | 8810-8890 | Мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 8 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган номоддий активлар балансга ҳисобга олинган | 0410-0490 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 9 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуна балансга ҳисобга олинган | 0710-0720 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 10 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган капитал қўйилмалар балансга ҳисобга олинган | 0810-0890 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 11 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган материаллар балансга ҳисобга олинган | 1010-1090 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 12 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган ҳайвонлар балансга ҳисобга олинган | 1110-1120 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 13 | 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланилган ҳолда, грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган материаллар балансга ҳисобга олинган | 1510 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 14 | Грант ёки бошқа мақсадли тушумлар бўйича олинган товарлар балансга ҳисобга олинган | 2910-2990 | 8810-8890 | Грант ёки мақсадли фойдаланишга бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 15 | Материалларни харид қилиш сметасига мувофиқ мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланилган: | | | Шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 1010-1090 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 1010-1090 | |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 16 | Меҳнат ҳақи сметасига мувофиқ мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланилган: | | | Меҳнат ҳақи ҳисоб-китоби |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 6710 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 6710 | |
| 17 | Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш сметасига мувофиқ мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 6520 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 6520 | |
| 18 | Меҳнат сафари ва умумхўжалик харажатлари сметасига мувофиқ мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланилган: | | | Ҳисобварақ-фактуралар, юкхатлар, бўнак ҳисоботлари |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 4220, 4230 | |
| | — иккинчи вариант | 2200 | 4220, 4230 | |
| 19 | Бюджетга солиқларни ҳисоблаш сметасига мувофиқ мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойдаланилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 6410 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 6410 | |
| 20 | Мақсадли молиялаштириш юзасидан олинган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланган: | | | Асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 0210-0299 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 0210-0290 | |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 21 | Мақсадли молиялаштириш юзасидан олинган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган: | | | Номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| | — биринчи вариант | 8810-8890 | 0510-0590 | |
| | — иккинчи вариант | 2210 | 0510-0590 | |
| 22 | Мақсадли молиялаштириш бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| | — асосий харажатлар суммасига | 8810-8890 | 2210 | |
| | — маъмурий харажатлар суммасига | 8810-8890 | 9420 | |
| 23 | 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активлардаги жамғармаси» счётидан фойдаланилган ҳолда, асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланган | 8200 | 0210-0299 | Асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| 24 | 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активлардаги жамғармаси» счётидан фойдаланилган ҳолда, номоддий активлар бўйича эскириш ҳисобланган | 8200 | 0510-0590 | Номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| 25 | Товар-моддий захираларни импорт қилишда ва маҳсулотни сотишда ҚҚС ва акциз солиғидан озод қилиш натижасида вужудга келган маблағлар акс эттирилган | 6410 | 8840 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 26 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари эвазига асосий воситаларни, номоддий активларни, товар-моддий қийматликларни харид қилиш, кредит ва қарзларни қоплаш, | 8840 | 8530 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | асосий воситаларни қайта тиклаш (реконструкциялаш) ва замонавийлаштириш учун йўналтирилганда, имтиёзли муддат белгиланган тақдирда — имтиёзли муддатнинг энг кам даври ёки амалда фойдаланиш муддати ўтганда, имтиёзли муддат белгиланмаган тақдирда эса — ҳар йили ҳисобдан чиқарилган | | | |
| 27 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чиқарилган | 8840 | 6010 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 28 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чиқарилган | 8840 | 6110, 6120 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 29 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудға келган маблағлар суммалари тезкор ижара бўйича қарзни сўндириш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чиқарилган | 8840 | 6910 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 30 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари бошқа кредиторлар олдидаги қарзни сўндириш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чиқарилган | 8840 | 6990 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 31 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чиқарилган | 8840 | 6710 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси, ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаси |
| 32 | Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан вужудга келган маблағлар суммалари ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш учун йўналтирилганда улар ҳисобдан чнқарилган | 8840 | 6520 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 33 | Бошқа мақсадли тушумлар келиб тушган | 5010-5530 | 8890 | Кирим касса ордери, банкдаги ҳисоб-китоб счётларидан кўчирма |
| 34 | Бошқа мақсадли тушумлар сарф-харажат қилинган | 8890 | 1000<br>6710<br>6520<br>ва б. | Юкхатлар, қайдномалар |

## Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётларнинг (8910) боғланиши

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти харажатлар ва тўловларни харажатларга бир маромда олиб бориш мақсадида белгиланган тартибда резерв қилинган суммаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хусусан, ушбу счётда қуйидаги суммалар акс эттирилиши мумкин:

— асосий воситаларни таъмирлаш учун;

— корхона ходимларига меҳнат таътили ҳақини (жумладан, ижтимоий суғурта тўловлари ва таъминлаш) тўлаш учун;

— ишлаб чиқариш мавсумий тавсифга эга бўлиши муносабати билан тайёргарлик кўриш бўйича ишлаб чиқариш харажатлари учун;

— кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар учун.

Харажатларга қўшиладиган суммаларни резервлаш қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Резервларни ҳисоблаш операциялари 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг кредитида ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Резерв қилинган суммалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар суммаси захиралар миқдорини камайтириб, 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг дебетида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан богланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

У ёки бу резервнинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланиши вақти-вақти билан (йилнинг охирида албатта) сметалар, ҳисоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади ҳамда зарурият туғилганда тўғриланиб турилади. Йил охирида резервнинг ишлатилмаган суммалари ҳисобот йилининг фойдасига қўшилади:

Дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион харажатлар».

Корхона ҳисоб сиёсатида резервларни ташкил этиш назарда тутилган тақдирда улар ташкил этилиши мумкин. Резерв суммаси фойда солиги бўйича солиққа тортиш базасини оширади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ташкил этилганлигида асосий ишлаб чиқариш харажатлари бўйича счётларда акс эттирилган; шунингдек резервларни қўшимча ҳисоблаш ёки ҳисобланган резервни тузатиш амалга оширилган | 2010 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ташкил этилганлигида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари бўйича счётларда акс эттирилган; шунингдек резервларни қўшимча ҳисоблаш ёки ҳисобланган резервни тузатиш амалга оширилган | 2310 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ташкил этилганлигида умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича счётларда акс эттирилган; шунингдек резервларни қўшимча ҳисоблаш ёки ҳисобланган резервни тузатиш амалга оширилган | 2510 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |
| 4 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ташкил этилганлигида сотиш харажатлари бўйича счётларда акс эттирилган; шунингдек резервларни қўшимча ҳисоблаш ёки ҳисобланган резервни тузатиш амалга оширилган | 9410 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |
| 5 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ташкил этилганлигида маъмурий харажатлар бўйича счётларда акс эттирилган; шунингдек резервларни қўшимча ҳисоблаш ёки ҳисобланган резервни тузатиш амалга оширилган | 9420 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 6 | Юқорида қайд этилганларнинг ўзи, бироқ келгуси давр харажатлари бўйича (саноатнинг мавсумий тавсифга эга соҳаларида) | 3110-3190 | 8910 | Резервларни ташкил этиш тўғрисида қарор, резервнинг ҳисоб-китоби |
| 7 | Илгари келгуси харажатлар таркибида резервланган эскириш суммаси акс эттирилган (саноатнинг мавсумий тавсифга эга соҳаларида, асосий воситалар ва прокат буюмларини таъмирлаш) | 8910 | 0210-0299 | Эскиришнинг ҳисоб-китоби |
| 8 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича илгари ташкил этилган резервлар ҳисобидан материаллар харажатларга ҳисобдан чиқарилган | 8910 | 1010-1090 | Юкхат, талабнома |
| 9 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларга ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар сарф-харажат қилинган | 8910 | 2110 | Юкхат, талабнома |
| 10 | Корхона цехлари томонидан таъмирланган асосий воситалар ва амалга оширилган бошқа ишлар қиймати, шунингдек ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ҳамда хўжаликларда илгари ташкил этилган резервлар ҳисобига амалга оширилган хизматлар ва ишлар қиймати акс эттирилган | 8910 | 2310, 2510, 2710 | Бажарилган ишлар далолатномаси, маълумотнома, билдирги |
| 11 | Илгари резервланган суммалар бўйича ҳисоб-китоб счёти ёки валюта счётидан харажатлар тўланган | 8910 | 5110, 5210-5220 | Банкдаги ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 12 | Келгуси харажатлар ва тўловлар бўйича резервлар ҳисобидан харажатларни амалга оширишда турли корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар қиймати акс эттирилган | 8910 | 6990 | Бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура |
| 13 | Келгуси харажатлар бўйича ҳисобланган резервларнинг ишлатилмаган суммаси корхона даромадига киритилган | 8910 | 9390 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

# V ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФОЙДАЛАНИЛИШИ

## IX БЎЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

IX бўлимнинг счётлари корхона фаолиятининг ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатлари, молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосга (Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17—07/86-сон билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ:

даромадлар — ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши;

харажатлар — ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши.

Шуни таъкидлаш жоизки, даромадлар ва харажатлар улар келиб тушиши ёки вужудга келиши даврида (пул маблағлари олинганлиги ёки тўланганлиги асосида эмас) бухгалтерия ҳисобида тан олиниши ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобида даромадлар ва харажатларни акс эттиришда, шунингдек ҳисобот даврида даромадлар ва харажатлар мутаносиблиги тамойилига риоя қилиш лозим.

Ҳисобот даврида даромадлар ва харажатларнинг мутаносиблиги — бу ушбу даврда фақат айнан шу ҳисобот даврида олинган даромадлар билан боглиқ харажатлар акс эттирилганлигини билдиради. Агар даромадлар ва харажатларнинг алоҳида турлари орасида бевосита боғланишни аниқлаш имконияти мураккаб бўлган тақдирда, харажатлар қандайдир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир неча ҳисобот даври бўйича тақсимланади. Бу, масалан, бир неча йилларга тақсимланадиган амортизацияланадиган харажатларга тааллуқлидир.

Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш, молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан тартибга солинади.

### Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9000) боғланиши

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотувга оид ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»;

9020 «Товарларни сотишдан даромадлар»;

9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»;

9040 «Сотилган товарнинг қайтиши»;

9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар».

9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар», 9030 «Ишлар

нинг кредитида ёзув амалга оширилади. Қайтарилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархи ТМҚларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебетида ҳамда сотилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархини ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг кредитида акс эттирилади.

9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счёти шартнома шартларига мувофиқ берилган сотув чегирмалари, шунингдек сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларда аниқланган яроқсизликлар ва ҳоказолар натижасида берилган нарх чегирмаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу счёт асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) гуруҳига контрпассив счёт ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарларни сотишдан, иш бажаришдан ва хизмат кўрсатишдан даромадларни камайтиради. Мазкур счётнинг дебетида сотув ва нархлардан берилган чегирмаларнинг суммаси тегишли олинадиган счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ортиб жўнатилган тайёр маҳсулот бўйича харидорларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4010 | 9010 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура |
| 2 | Ортиб жўнатилган товарлар бўйича харидорларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4010 | 9020 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура |
| 3 | Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар бўйича харидорларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4010 | 9030 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 4 | Ортиб жўнатилган тайёр маҳсулот бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4110, 4120 | 9010 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 5 | Ортиб жўнатилган товарлар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4110, 4120 | 9020 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура |
| 6 | Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган | 4110, 4120 | 9030 | Юкхат, товар-транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 7 | Тайёр маҳсулот, товар ва хизматлар нақд пулга сотилган | 5010 | 9010, 9020, 9030 | Кирим касса ордери, касса аппаратининг кўрсаткичлари |
| 8 | Маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотилганлиги ҳисоб-китоб счётида акс эттирилган (4010 счётидан фойдаланилмаган ҳолда) | 5110, 5210, 5220 | 9010, 9020, 9030 | Юкхат, банкнинг ҳисоб-китоб ва валюта ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 9 | Тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар узоқ муддатли инвестициялар тартибида бошқа корхоналарга сотилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматини қоплаш учун) | 0610 | 9010, 9020, 9030 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 10 | Тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тартибида бошқа корхоналарга сотилган (жумладан, харид қилинган қимматли қоғозлар) | 5810 | 9010, 9020, 9030 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 11 | Тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар корхона ходимларига кредитга сотилган | 4710 | 9010, 9020, 9030 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 12 | Ўз капитал қурилишига берилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг қиймати тушум каби акс эттирилган | 0810-0890 | 9010, 9020, 9030 | Бериш учун юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 13 | Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ва ишлаб чиқаришларга берилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг қиймати тушум каби акс эттирилган | 2310, 2710 | 9010, 9020, 9030 | Бериш учун юкхат (ички кўчиш) |
| 14 | Умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик тавсифга эга турли хизматларнинг қиймати тушум каби акс эттирилган | 2510, 9410-9420 | 9030 | Юкхат |
| 15 | Қайта ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилда харидорлардан келиб тушган суммалар акс эттирилган | 5110, 5210-5220 | 9010, 4010, 6410 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича солиштирма далолатнома |
| 16 | Харидорлардан олинган бўнаклар ҳамда харидорлар (буюртмачилар)га маҳсулот ва ишлар тўлиқ тайёр бўлганда улар қисман тайёрлигида олинган тўлов ўзаро ҳисоб-китоб қилишда акс эттирилган | 6310 | 9010, 9030 | Юкхат, ҳисоб-варақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 17 | Маҳсулот, ишлар ва хизматлар (жумладан, махсус кийим-бош) корхонанинг ўз ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобидан сотилган | 6710 | 9010-9030 | Юкхат |
| 18 | Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) билан дивидендлар тўланиши акс эттирилган | 6610, 6620 | 9010, 9020, 9030 | Юкхат, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 19 | Воситачилик, консигнация операциялари бўйича мижозлардан олиниши лозим бўлган комиссия ҳақи суммаси акс эттирилган | 4890 | 9010 | Юкхат, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 20 | Ҳисобот даври келганда, ушбу даврга тааллуқли кечиктирилган даромадлар (бўнак тариқасида тўланган хизмат ва ҳ.к.) суммалари сотиш ҳажмига киритилган | 6230 | 9010, 9020, 9030 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 21 | Товарлар кредитга сотилганда уларнинг қайтиши акс эттирилган | 9040 | 4010, 4110, 5110 | Сотилган товарларни топшириш далолатномаси |
| 22 | Харидорларга сотишдан ва нархдан чегирмалар тақдим этилган | 9050 | 4010, 4110 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 23 | Ҳисобот даврининг охирида 9040 «Сотилган товарларнинг қайтиши» счётининг ёпилиши | 9010, 9020, 9030 | 9040 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 24 | Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Харидорларга берилган бўнаклар» счётининг ёпилиши | 9010, 9020, 9030 | 9050 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 25 | Ҳисобот ойининг охирида 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счётининг ёпилиши | 9010 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 26 | Ҳисобот ойининг охирида 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счётининг ёпилиши | 9020 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 27 | Ҳисобот ойининг охирида 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётининг ёпилиши | 9030 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

**Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётларнинг (9100) боғланиши**

Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар сотилган тайёр маҳсу-

лотлар, товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг таннархи тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»;

9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»;

9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»;

9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»;

9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар».

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлар сотилганда, сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматларнинг таннархи 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётларининг дебетида харажатлар, тайёр маҳсулотлар (2800), товарлар (2900)ни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110–9130 счётлари 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)дан амалда фойдаланиш корхонада қўлланиладиган товар-моддий захираларнинг узлуксиз ёки даврий ҳисоб усулига боғлиқ.

Товар-моддий захираларни узлуксиз ҳисобга олиш усули қўлланилганда ҳар бир маҳсулот ёки товарнинг таннархи унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаракатига қараб харажатларни ҳисобга олувчи счётларда тўпланади.

Товар-моддий захираларни даврий ҳисобга олиш усулидан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот (товар)нинг таннархи ҳисобот даври давомида вақтинчалик 9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш» счётида йиғилади, бироқ сотилган маҳсулотлар, товарларнинг ҳақиқий таннархини фақат ТМЗни инвентарлаш ўтказилгандан сўнг аниқлаш мумкин. 9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счёти — ҳисобот даврининг охирида инвентарлаш натижасида ТМЗ мавжудлигини акс эттириш учун фойдаланиладиган вақтинчалик счётдир. Қайд этилган счётнинг дебети бўйича ТМЗнинг камайиши, креди-

ти бўйича ТМЗнинг ўсиши ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар (1000–2900) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счётининг қолдиғи 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши орқали ёпилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ортиб жўнатилган тайёр маҳсулот таннархи акс эттирилган | 9110 | 2810 | Ҳисобварақ-фактура, таннархнинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Ҳайвонларнинг четга ёки айрим ички бўлинмаларга чиқиб кетиши акс эттирилган | 9110 | 1110 | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 3 | Четга ортиб жўнатилган ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобдан чиқарилган | 9110 | 2110 | Юкхат |
| 4 | Тайёр маҳсулот узоқ муддатли инвестициялар тартибида бошқа корхоналарга берилган (сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати қопланган) | 9110<br>(0610 | 2810<br>9010) | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 5 | Тайёр маҳсулот қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тартибида бошқа корхоналарга берилган (жумладан, сотиб олинган қимматли қоғозлар) | 9110<br>(5810 | 2810<br>9010) | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 6 | Бошқа корхоналарга, мактабларга, ўқув муассасаларига ва ҳоказоларга ҚҚС, акциз суммасига текинга берилган маҳсулот қиймати акс эттирилган | 9110<br>(9430<br>9430 | 2810<br>9110)<br>6410 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 7 | Товарлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий инвестициялар тартибида берилган (сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати қопланган) | 9120<br>(0610-0690 | 2910<br>9020) | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 8 | Товарлар бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тартибида берилган (улардан сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати қопланган) | 9120 (5810 | 2910 9020) | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 9 | Ой якунлангандан кейин 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счётининг ёпилиши | 9910 | 9110 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 10 | Ой якунлангандан кейин 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счётининг ёпилиши | 9910 | 9120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 11 | Ой якунлангандан кейин 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётининг ёпилиши | 9910 | 9130 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 12 | Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг турли хизматлари сотилган (2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётидан фойдаланмасдан ҳисобга олинган ҳолда) | 9130 | 2010, 2310, 2710 | Бажарилган ишлар далолатномаси, юкхат |
| 13 | Кўрсатилган хизматларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган | 9130 | 2010 | Бажарилган ишлар далолатномаси, юкхат |
| 14 | Ишларнинг бажарилган босқичлари бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган | 9130 | 2010 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 15 | Товар-моддий захиралар ТМЗларни даврий ҳисобга олиш усули бўйича нақд пулга сотиб олинган | 9140 | 5010 | Чиқим касса ордери, ҳисоб-варақ-фактура, юкхат |
| 16 | Товар-моддий захиралар ТМЗларни даврий ҳисобга олиш усули бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан сотиб олинган | 9140 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 17 | Товар-моддий захиралар ТМЗларни даврий ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобдор шахслар орқали мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан сотиб олинган | 9140 | 4220, 4230 | Бўнак ҳисоботи, ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 18 | Бошқа кредиторлардан товар-моддий захиралар сотиб олиш бўйича харажатлар, етказиб бериш бўйича харажатлар ТМЗларни даврий ҳисобга олиш усули орқали ҳисобга олинган | 9140 | 6990 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |
| 19 | Материалларни ўз кучи билан олиб келиш бўйича харажатлар ҳисобга олинган | 9140 | 2310 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 20 | Материалларни ортиб туширувчи ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланган | 9140 | 6710 | Меҳнат ҳақини ҳисоблаш қайдномаси |
| 21 | Ортиб туширувчи ишчиларнинг меҳнат ҳақидан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланган | 9140 | 6520 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 22 | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан товар-моддий қийматликлар кирим қилинган | 9140 | 6110, 6120 | Юкхат |
| 23 | Ҳисобот даврининг охирида асосий моддий захираларни инвентарлаш натижаларига кўра, ТМЗларнинг счётлари бўйича қолдиқлар тузатилиши амалга оширилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — захираларнинг кўпайиши | 1010-1090 | 9150 | |
| | — захираларнинг камайиши | 9150 | 1010-1090 | |
| 24 | Ҳисобот даврининг охирида инвентарлаш натижаларига кўра, якунланмаган ишлаб чиқариш | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | қолдиқлари тузатилиши амалга оширилган: | | | |
| | — кўпайиши | 2010 | 9150 | |
| | — камайиши | 9150 | 2010 | |
| 25 | Ҳисобот даврининг охирида инвентарлаш натижаларига кўра, тайёр маҳсулот қолдиқлари тузатилиши амалга оширилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — кўпайиши | 2810 | 9150 | |
| | — камайиши | 9150 | 2810 | |
| 26 | Ҳисобот даврининг охирида инвентарлаш натижаларига кўра, товарлар қолдиқлари тузатилиши амалга оширилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — кўпайиши | 2910-2990 | 9150 | |
| | — камайиши | 9150 | 2910-2990 | |
| 27 | Ҳисобот даврининг охирида 9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш» счётининг ёпилиши | 9910 | 9140 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 28 | Ҳисобот даврининг охирида 9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счётининг ёпилиши | 9910 (9150 | 9150 9910) | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

## Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётларнинг (9200) боғланиши

Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар корхонага тегишли асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши (тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав капиталига бериш, молиявий ижара шартномаси бўйича бе-

риш, аниқланган камомад ёки йўқотиш) тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Мазкур счётларнинг дебети бўйича чиқиб кетган асосий восита объектларининг ва бошқа активларнинг бошланғич ёки баланс қиймати, шунингдек уларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади.

Ушбу счётларнинг кредити бўйича асосий воситалар объектларини ва бошқа активларни сотишдан олинган тушумлар ва ҳисобдан чиқариш натижасида сотиш ва фойдаланиш мумкин бўлган баҳода келиб тушган материалларнинг қиймати, шунингдек чиқиб кетган асосий воситалар объектлари, номоддий активлар бўйича чиқиб кетиш вақтида ҳисобланган эскириш суммалари олинадиган счётлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланиб ҳисобдан чиқарилади.

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти ва 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти дебети бўйича вужудга келган фарқ (чиқиб кетишдан зарар) 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига, ушбу счётлар бўйича кредит қолдиғи (чиқиб кетишдан фойда) — 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётига ёки 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти кредитига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Чиқиб кетган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати акс эттирилган (тугатиш, сотиш, айирбошлаш, устав капиталига бериш, текинга бериш, камомадлар ва йўқотишлар, иштирокчининг таъсисчилар таркибидан чиқиши) | 9210 | 0110-0190 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш далолатномаси |
| 2 | Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати лизингга берувчининг балансидан ҳисобдан чиқарилган (молиявий ижара бўйича) | 9210 | 0110-0190 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Улушли иштирок этиш ҳисобидан асбоб-ускуна бошқа корхонага берилган | 9210 | 0110-0190 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш далолатномаси |
| 4 | Чиқиб кетган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилган | 0210-0299 | 9210 | Чиқиб кетиш далолатномаси, эскиришни ҳисоблаш қайдномаси |
| 5 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг асосий воситалар чиқиб кетиши билан боғлиқ хизматлари ва харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 9210 | 2310 | Бажарилган ишлар далолатномаси, юкхат, талабнома |
| 6 | Асосий воситалар чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланган | 9210 | 6710 | Иш вақтини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳисобга олиш табели |
| 7 | Асосий воситалар чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этган ишчиларга меҳнат ҳақи суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ажратмалар амалга оширилган | 9210 | 6520 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 8 | Асосий воситалар чиқиб кетишида кўрсатган хизматлари учун бошқа корхоналар олдидаги қарз акс эттирилган | 9210 | 6990 | Бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-варақ-фактура |
| 9 | Асосий воситалар объектларини молиявий ижарага беришда вужудга келган келгуси давр даромадлари ҳисобдан чиқарилган (ижарага берувчининг келгуси даромади) | 9210 | 6230, 7230 | Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 10 | Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектлари молиявий ижаранинг тўлиқ муддатига ижара тўловлари суммасининг келиб тушиши акс эттирилган (ижарага берувчида) | 0920 | 9210 | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 11 | Асосий воситалар чиқиб кетишидан қолган материаллар кирим қилинган (эҳтимолий фойдаланиш баҳоси бўйича) | 1090 | 9210 | Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси |
| 12 | Асосий воситалар тугатилишидан қолган ҳамда улардан инвентарь ва хўжалик жиҳозлари каби фойдаланиш мумкин бўлган моддий қийматликлар кирим қилинган | 1080 | 9210 | Юкхат (кирим ордери) |
| 13 | Асосий воситалар чиқиб кетишидан нақд пул кўринишидаги тушум акс эттирилган | 5010 | 9210 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирма |
| 14 | Асосий воситалар чиқиб кетишидан банкка келиб тушган тушум акс эттирилган (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) | 5110 | 9210 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирма |
| 15 | Сотилган асосий воситалар учун харидорларнинг қарзи акс эттирилган | 4010, 4890 | 9210 | Юкхат, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 16 | Асосий воситалар чиқиб кетиши операциялари бўйича илгари олинган бўнаклар ўзаро ҳисоб-китоб қилинганлиги акс эттирилган | 6310 | 9210 | Юкхат, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 17 | Асосий воситалар корхона бўлинмаларига сотилганлигидан олинган даромад акс эттирилган | 4110 | 9210 | Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 18 | Асосий воситалар чиқиб кетиши бўйича операциялардан бир ой учун молиявий натижа (фойда) аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 9210 | 9310 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 19 | Асосий воситалар чиқиб кетиши бўйича операциялардан бир ой учун молиявий натижа (зарар) аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 9430 | 9210 | Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 20 | Бошланғич қийматнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган: | | | Лизинг шартномаси, тугатиш далолатномаси |
| | а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни лизинг берувчига қайтаришда | 9210 | 0310 | |
| | б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш учун | 9210 | 0112 | |
| | в) лизинг шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар бўйича жамланган эскириш суммасига | 0299<br>0212 | 9210 | |
| | г) лизинг шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар бўйича ободонлаштириш қийматининг лизингга берувчи томонидан қопланадиган суммасига | 4890 | 9210 | |
| | д) лизинг шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларнинг объектини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига | 8510 | 9210 | |
| | е) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича қопланмаган асосий қарзнинг қолдиқ суммасига: | | | |
| | — жорий қисми | 6950 | 9210 | |
| | — узоқ муддатли қисми | 7910 | 9210 | |
| | ж) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан амалга ошириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш (қайта монташ қилиш, транспорт орқали ташиш ва ҳ.к.) бўйича харажатлар суммасига | 9210 | 1000,<br>6710,<br>6520 | |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | з) лизинг шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар қайтарилишидан олинган фойда суммасига | 9210 | 9310 | |
| | и) лизинг шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар қайтарилишидан кўрилган зарар суммасига | 9430 | 9210 | |
| 21 | Лизинг объектларининг лизингга берилиши акс эттирилган: | | | Лизинг шартномаси |
| | а) актив сифатида тан олинадиган қийматига (дебиторлик қарзи каби) | 0290 | 9220 | |
| | б) лизинг объектларининг баланс қийматини ҳисобдан чиқаришда | 9220 | 0810-0890 | |
| | в) лизинг объектларини қайта баҳолаш натижалари (сальдо) суммасига | 8510 | 9220 | |
| | г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини беришдан кечиктирилган даромад вужудга келганда | 9220 | 7230 | |
| | д) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини беришдан кечиктирилган харажат вужудга келганда | 0990 | 9220 | |
| 22 | Чиқиб кетган номоддий активлар ҳисобдан чиқарилган (сотиш, текинга бериш ва ҳ.к.) | 9220 | 0410-0490 | Номоддий активларнинг чиқиб кетиш далолатномаси |
| 23 | Сотилган номоддий ва бошқа активлар учун бошқа корхоналарнинг қарзи акс эттирилган | 4010 | 9220 | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисобварақ-фактура |
| 24 | Номоддий ва бошқа активлар корхонанинг бўлинмаларига сотилган | 4110 | 9220 | Юкхат, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 25 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари бошқа корхоналарга сотилган | 9220 | 1080 | Ҳисобварақ-фактура |
| 26 | Четга сотилган турли материаллар ҳисобдан чиқарилган | 9220 | 1010-1090 | Ҳисобварақ-фактура |
| 27 | Четга чиқиб кетган материалларнинг қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган | 9220 | 1610 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 28 | Ўстиришда ва бўрдоқига боқишда бўлган ҳайвонлар сотилган | 9220 | 1110, 1120 | Ҳисобварақ-фактура, чиқиб кетиш далолатномаси |
| 29 | Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сифатида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг сотилиши (баланс қиймати бўйича) акс эттирилган | 9220 | 0610 | Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 30 | Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар сифатида ҳисобга олинадиган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотилиши акс эттирилган | 9220 | 5810 | Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |
| 31 | Бошқа активлар ва қимматли қоғозлар сотилишидан ҳисоб-китоб ва валюта ҳисоб-китоб счётларига тушум келиб тушган | 5110, 5210 | 9220 | Банк кўчирмалари |
| 32 | Сотиб олинадиган акциялар мол-мулк бериш йўли билан тўланган | 5810, 0610 | 9220 | Қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 33 | Бошқа активларнинг харидорларидан илгари олинган бўнакларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши акс эттирилган | 6310 | 9220 | Юкхат, қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 34 | Қимматли қоғозлар сотиб олинган (муддати бир йилдан ортиқ), корхона-сотувчига материалларни бериш йўли билан тўланган | 9220<br>(0610 | 1010-1090<br>9220) | Шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 35 | Бошқа корхоналарга қисқа муддатли қарзлар тартибида берилган материаллар ҳисобдан чиқарилган; сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати корхона-сотувчига материалларни бериш йўли билан қопланган | 9220<br>(5810 | 1010-1090<br>9220) | Шартнома, юкхат |
| 36 | Асосий пода ҳайвонларини бошқа корхонанинг эгалигига бериш йўли билан узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (муддати бир йилдан ортиқ) амалга оширилган (қимматли қоғозлар сотиб олинган) | 9220<br>(0610 | 1110<br>9220) | Шартнома, юкхат |
| 37 | Асосий пода ҳайвонларини бошқа корхонанинг эгалигига бериш кўринишидаги қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (муддати бир йилдан кам) акс эттирилган | 9220<br>(5810 | 1110<br>9220) | Шартнома, юкхат |
| 38 | Узоқ муддатли инвестициялар (қимматли қоғозларга) тартибида бошқа корхоналарга инвентарь ва хўжалик жиҳозлари берилган | 9220<br>(0610 | 1080<br>9220) | Шартнома, юкхат |
| 39 | Узоқ муддатли инвестициялар (қимматли қоғозларга) тартибида ёрдамчи цехлар томонидан бошқа корхоналар учун ишлар ва хизматларнинг бир қисми амалга оширилган | 9220<br>(0610 | 2310<br>9220) | Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 40 | Қисқа муддатли инвестициялар (жумладан, қимматли қоғозларга) тартибида ёрдамчи цехлар томонидан бошқа корхоналарга маҳсулот берилган ва хизматлар кўрсатилган | 9220<br>(5810 | 2310<br>9220) | Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 41 | Ҳисобот даврида бошқа активларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишидан олинган фойда аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 9220 | 9320 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 42 | Ҳисобот даврида бошқа активларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишидан олинган зарар аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 9430 | 9220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

### Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9300) боғланиши

Мазкур гуруҳ счётлари асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9330 «Ундирилган жарима, пеня ва неустойкалар»;

9340 «Ўтган йиллар фойдалари»;

9350 «Оператив ижарадан даромадлар»;

9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар»;

9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари»;

9380 «Текин молиявий ёрдам»;

9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Ҳисобот даври давомида ушбу счётларнинг кредити бўйича асосий фаолиятдан бошқа даромадлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, асосий воситалар чиқиб кетиши ва бошқа активлар чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ушбу счётлар бўйича айланмаларнинг умумий суммасига қуйидаги якуний ўтказма берилади:

Дебет 9310–9390 «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар»
Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа».

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Асосий воситалар сотилишидан ва бошқа чиқиб кетишидан олинган фойда акс эттирилган | 9210 | 9310 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Бошқа активлар сотилишидан ва бошқа чиқиб кетишидан олинган фойда акс эттирилган | 9220 | 9320 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Шартномавий мажбуриятларга риоя қилмаганлиги учун бошқа корхоналарга тақдим этилган жарима, пеня ва неустойкалар суммаси акс эттирилган (тан олинган ёки ҳукм қилинган) | 4860 | 9330 | Хўжалик судининг қарори, инкассо талабномаси |
| 4 | Олдинги йиллар операциялари бўйича харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар акс эттирилган | 4010-4890 | 9340 | Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича солиштирма далолатнома |
| 5 | Олдинги йилларда ходимлар томонидан олинган ва сарф-харажат қилинган хизматлар ва моддий қийматликлар учун қайта ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзи суммалари акс эттирилган | 4710-4790 | 9340 | Кирим касса ордери |
| 6 | Оператив ижара бўйича ижара тўлови ҳисобланган | 4820 | 9350 | Ижара шартномаси, ҳисоб-варақ-фактура |
| 7 | Даъво муддати ўтиб кетганлиги сабабли кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилганлигидан олинган даромад акс эттирилган | 6010-6990 | 9360 | Ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси |
| 8 | Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар акс эттирилган | 4010-4890 | 9360 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 9 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан даромад олинган | 4890, 5010, 5110 | 9370 | Кирим касса ордери, ҳисоб-варақ-фактура, чипта |
| 10 | Текинга молиявий ёрдам олинган | 5010, 5110 | 9380 | Текинга ёрдам шартномаси, кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 11 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча асосий воситалар кирим қилинган | 0110-0190 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 12 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча номоддий активлар кирим қилинган | 0410-0490 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 13 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча қимматли қоғозлар кирим қилинган | 0610 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 14 | Инвентарлаш пайтида аниқланган капитал қурилиш ортиқчаси кирим қилинган | 0810-0890 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 15 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча материаллар кирим қилинган | 1010-1090 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 16 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча ўстиришдаги ва бўрдоқига боқувдаги ҳайвонлар кирим қилинган | 1110, 1120 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 17 | Асосий ва ёрдамчи цехларда, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларда ва хўжаликларда тугалланмаган ишлаб чиқариш ортиқчаси, умумишлаб чиқариш омборларида, хизмат кўрсатувчи хўжа- | 2010, 2310, 2510, 2710 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | ликларда ортиқча материаллар кирим қилинган (камомаддан ортиқ суммада) | | | |
| 18 | Инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча товарлар кирим қилинган | 2910-2990 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 19 | Кассани инвентарлаш пайтида аниқланган ортиқча пул маблағлари кирим қилинган | 5010 | 9390 | Инвентарлаш комиссиясининг далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 20 | Айланмадаги маблағларга таалуқли товар-моддий қийматликларнинг оширилган баҳо суммалари молиявий натижага ҳисобдан чиқарилган | 6230 | 9390 | Товар-моддий қийматликларни қайта баҳолаш далолатномаси |
| 21 | Мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта идораларидан олинадиган суғурта тўловлари акс эттирилган | 4510 | 9390 | Суғурта тўловлари қайд этилган суғурта ҳолатлари бўйича билдирги |
| 22 | Суғурта компанияларидан ҳисоб-китоб счётига қоплаш суммалари келиб тушган | 5110 | 9390 | Банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, суғурта тўловлари қайд этилган суғурта ҳолатлари бўйича билдирги |
| 23 | Суғурта компанияларидан валюта ҳисоб-китоб счётига қоплаш суммалари келиб тушган | 5210, 5220 | 9390 | Банк валюта ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, суғурта тўловлари қайд этилган суғурта ҳолатлари бўйича билдирги |
| 24 | Суғурта компанияларидан банкдаги махсус ҳисоб-китоб счётига қоплаш суммалари келиб тушган | 5530 | 9390 | Банк махсус ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, суғурта тўловлари қайд этилган суғурта ҳолатлари бўйича билдирги |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 25 | Даргумон қарзлар бўйича ишлатилмаган резервлар суммаларининг улар ташкил этилган йилдан кейинги йил фойдасига киритилиши акс эттирилган | 4910 | 9390 | Счётни инвентарлаш ва таҳлили |
| 26 | Ҳисобот даврининг охирида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларда аниқланган кредит айланмаларининг йиғиндиси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ҳисобдан чиқарилган | 9310, 9320, 9330, 9340, 9350, 9360, 9370, 9380, 9390 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9400) боғланиши

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги ахборот умумлаштирилади.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9410 «Сотиш харажатлари»;

9420 «Маъмурий харажатлар»;

9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари».

Давр харажатларининг таркиби Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўгрисидаги низом билан тартибга солинади.

9410 «Сотиш харажатлари» счётида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ор-

тиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади.

9420 «Маъмурий харажатлар» счётида корхонани бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, маъмурий аҳамиятга молик асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўлов харажатлари, меҳнат ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитарий хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа операцион фаолият жараёнида вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» счётида Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2.4-бўлимида келтирилган келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида ушбу барча счётлар якуний айланмалар билан ёпилади ва 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига кўчирилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Савдо мақсадларида ва тайёр маҳсулотни сотиш учун ишлатиладнган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланган | 9410 | 0210-0299 | Амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| 2 | Савдо жараёнида ишлатиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган | 9410 | 0510-0590 | Амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Товарлар учун идишлар сарф-харажат қилинган | 9410 | 1060 | Юкхат |
| 4 | Савдода ташиш, сақлаш ва сотиш вақтида товарлар йўқотилиши ҳисобдан чиқарилган | 9410 | 2910 | Товарларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси |
| 5 | Маҳсулот ва товарларни сотиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари акс эттирилган | 9410 | 4220, 4230 | Бўнак ҳисоботи |
| 6 | Даъволар бўйича ундирилмайдиган суммалар сотиш бўйича харажатларга ҳисобдан чиқарилган | 9410 | 4860 | Даъво ҳужжатлари, раҳбар буйруғи |
| 7 | Тайёр маҳсулотни, товарларни ортиб жўнатиш бўйича транспорт харажатлари акс эттирилган | 9410 | 6010, 6990 | Транспорт юкхати, ҳисоб-варақ-фактура |
| 8 | Чет ташкилотлар реклама ва маркетинг хизматлари кўрсатган | 9410 | 6010, 6990 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 9 | Тушум инкассация қилингани учун ҳақ ҳисобланган | 9410 | 6990 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 10 | Савдо мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти ҳисобланган | 9410 | 6510 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 11 | Маҳсулот ва товарларни сотиш билан боглиқ ходимларнинг меҳнат ҳақидан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланган | 9410 | 6520 | Бухгалтериянин ҳисоб-китоби |
| 12 | Маҳсулот ва товарларни сотиш билан боғлиқ ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланган | 9410 | 6710 | Меҳнат ҳақи ҳисобланган қайднома |
| 13 | Маҳсулот, товарларни сақлаш, шунингдек омборлар ва дўконлар ижараси учуң ижара ҳақи ҳисобланган | 9410 | 6910 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 14 | Маъмурий мақсадлардаги (маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган) асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланган | 9420 | 0210-0299 | Амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| 15 | Маъмурий мақсадлардаги номоддий активлар бўйича эскириш ҳисобланган | 9420 | 0510-0590 | Амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси |
| 16 | Маъмурий эҳтиёжлар учун материаллар сарф-харажат қилинган | 9420 | 1010-1090 | Материалларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси |
| 17 | Маъмурий эҳтиёжлар учун инвентарь ва хўжалик жиҳозлари сарф-харажат қилинган | 9420 | 1080 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси |
| 18 | Материаллар бўйича ҳисоб баҳоларидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган | 9420 | 1610 | Ҳисобдан чиқариш далолатномаси, талабномалар |
| 19 | Хизмат сафари ва вакиллик харажатлари акс эттирилган | 9420 | 4220, 4230 | Бўнак ҳисоботи |
| 20 | Маъмурий ходимлар ва мол-мулкнинг ихтиёрий суғуртаси бўйича ҳисоблашлар амалга оширилган | 9420 | 6510 | Шартнома, суғурта полиси |
| 21 | Бошқарув ходимларининг ижтимоий суғуртасига ажратмалар амалга оширилган | 9420 | 6520 | Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қайдномаси |
| 22 | Бошқарув ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобланган | 9420 | 6710 | Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қайдномаси |
| 23 | Маъмурий хоналарнинг ижараси учун ижара ҳақи ҳисобланган | 9420 | 6910 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура |
| 24 | Хизмат енгил автотранспортининг ва хизмат микроавтобусининг таъминоти, ёлланиши ва ижараси учун харажатлар акс эттирилган | 9420 | 6990 | Шартнома, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 25 | Алоқа хизматлари, ахборот марказлари, энергия ва сув истеъмол қилинганлиги, бошқа маъмурий эҳтиёжлар учун ҳисобварақ-фактуралар олинган | 9420 | 6010 | Шартнома, чипта, ҳисобварақ-фактура, ҳисоблагичлар кўрсаткичлари тўғрисида маълумотнома |
| 26 | Транспорт хизмати учун ҳисобварақ-фактуралар олинган | 9420 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, транспорт юкхати |
| 27 | Юқори органлар ёки хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмалари бошқарув аппаратини ушлаб туриш учун ажратмалар амалга оширилган | 9420 | 6990 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 28 | Айбдор шахсларни аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда йўқотишлар ва камомадлар акс эттирилган | 9430 | 1010-1090, 2810, 2910-2990 | Инвентарлаш далолатномаси, технологик хариталар |
| 29 | Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобланган | 9430 | 4910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 30 | Банк, аудиторлик ва консалтинг хизматлари учун ҳақ ҳисобланган | 9430 | 6990 | Шартнома, бажарилган ишлар далолатномаси |
| 31 | Асосий воситаларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишидан кўрилган зарар акс эттирилган | 9430 | 9210 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 32 | Бошқа активларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишидан кўрилган зарар акс эттирилган | 9430 | 9220 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 33 | Мол-мулк, ягона ер, ер қаъридан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ҳисобланган | 9430 | 6410 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби, солиқлар бўйича маълумотнома |
| 34 | Солиқ органларининг қарори бўйича жарима ҳисобланган | 9430 | 6410 | ДСИ қарори |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 35 | Корхона балансидаги олий ўқув юртларини ушлаб туриш учун харажатлар акс эттирилган | 9430 | 6110 | Шартнома |
| 36 | Корхона ходимларига берилган дам олиш уйлари ва оромгоҳларга йўлланмаларнинг ҳақи тўланган | 9430 | 5110 | Банк ҳисоб-китоб счётларидан кўчирмалар |
| 37 | Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган | 9430 | 2010 | Шартномани бекор қилиш |
| 38 | Олдинги йиллардаги операциялар бўйича зарарлар ҳисобдан чиқарилган | 9430 | 4010, 4110, 4210, 4610-4690, 4810-4890 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 39 | Хўжалик шартномаларига риоя қилинмаганлиги учун жарималар ҳисобланган | 9430 | 4860 6960 | Шартнома, Хўжалик судининг қарори |
| 40 | Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳақи ҳужжатлари тўланган | 9430 | 5110 | Буйруқ, тўлов топшириқномаси |
| 41 | Бир маротабалик моддий ёрдам тўланган | 9430 | 5010 | Чиқим ордери |
| 42 | Тайёр маҳсулот, товар-моддий захираларнинг баҳоси арзонлаштирилган | 9430 | 1010-1090 2810 | Арзонлаштириш далолатномаси, солиштирма қайднома |
| 43 | Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар акс эттирилган | 9430 | 6990 | Шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномалари |
| 44 | Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича гудвиллнинг номоддий активлари суммалари (фирма нархлари)ни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилган | 9430 | 0480 | Гудвиллни ҳисобдан чиқариш ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 45 | Бошқарув ходимларига ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган бошқа ишчиларга тўловлар, вақтинчалик ишга яроқсизлик, хомиладорлик ва туғишлар бўйича нафақалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилган | 9430 | 6710 | Нафақалар ҳисоб-китоби |
| 46 | Янги буюм турларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; туркумли ёки оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган янги технологик жараёнлар ўзлаштирилишига хизмат кўрсатишда; кон саноати соҳаларидаги тайёрлов ишларида ишлатиладиган ўзининг асосий воситалари бўйича ҳар ойда эскириш суммаси ҳисобланган | 9440 | 0210-0299 | Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоб-китоби |
| 47 | Янги буюм турларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; туркумли ёки оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган янги технологик жараёнлар ўзлаштирилишига хизмат кўрсатишда; кон саноати соҳаларидаги тайёрлов ишларида фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича ҳар ойда эскириш суммаси ҳисобланган | 9440 | 0510-0590 | Номоддий активлар амортизациясининг ҳисоб-китоби |
| 48 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлатиладиган ва оператив ижарага берилган ўзининг асосий воситалари бўйича ҳар ойда эскириш суммаси ҳисобланган | 9430 | 0210-0299 | Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоб-китоби |
| 49 | Ижтимоий жабҳада банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи бўйича харажатлар акс эттирилган | 9430 | 6710 | Иш вақтини ҳисобга олиш табели |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 50 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлатиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган | 9430 | 0510-0590 | Номоддий активлар амортизациясининг ҳисоб-китоби |
| 51 | Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, четдаги ташкилотлар томонидан кўрсатилган истеъмол қилинган хизматлар қиймати акс эттирилган | 9430 | 2310, 6990 | Юкхат, талабнома, ҳисобварақ-фактура |
| 52 | Ҳисобот даврининг охирида давр харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 9910 | 9410, 9420, 9430, 9440 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

## Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9500) боғланиши

Мазкур гуруҳ счётлари молиявий фаолиятдан олинган даромадлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»;

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»;

9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»;

9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар»;

9550 «Молиявий ижарадан даромадлар»;

9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари».

Ҳисобот даври давомида юқорида қайд этилган даромадлар ушбу счётларнинг кредитида дебиторлик қарзи, пул маблағлари, мажбуриятлар ва ҳоказолар ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар якунловчи айланмалар билан 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Олинадиган роялти кўринишидаги даромадлар суммаси акс эттирилган | 4850 | 9510 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 2 | Бошқа корхоналарда улушли иштирок этганлигидан олинган дивиденд кўринишидаги даромадлар; ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб-китоб счётларидаги маблағлардан фойдаланганлиги учун банклардан олинган даромадлар; корхонага тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилган | 4840 | 9520 | Эълон, билдирги |
| 3 | Олинган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган | 4830 | 9530 | Шартнома, фоиз тўловлари бўйича ҳисоб-китоб жадвали |
| 4 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга оид операциялар бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 0610-0690 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 5 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги қисқа муддатли молиявий қўйилмаларга оид операциялар бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 5810-5890 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 6 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги узоқ муддатли дебиторлик қарзига оид операциялар бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 0910-0990 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 7 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги жорий дебиторлик қарзига оид операциялар бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 4010-4890 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 8 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги пул маблағларининг қолдиғи бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 5020-5210, 5220 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 9 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги жорий кредиторлик қарзи бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 6010-6990 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 10 | Ҳисобдан чиқаришнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги узоқ муддатли кредиторлик қарзи бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 7010-7920 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 11 | Ҳисобдан чиқаришнинг жамлаш усули билан чет эл валютасига оид операциялар бўйича мусбат курс фарқлари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 6230 | 9540 | Валюталарнинг амалдаги курси асосида ҳисоб-китоб |
| 12 | Молиявий ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган | 4810 | 9550 | Шартнома, фоиз тўловлари бўйича ҳисоб-китоб жадвали |
| 13 | Қимматли қоғозларнинг харид қилиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (харид қилиш қиймати паст) акс эттирилган (қўшимча ҳисобланган) | 0610, 5810 | 9560 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 14 | Ҳисобот даврининг охирида молиявий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган натижалар 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ҳисобдан чиқарилган | 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

**Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9600) боғланиши**

Мазкур гуруҳ счётлари молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»;

9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар»;

9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»;

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Ҳисобот даври давомида ушбу счётларнинг дебетида молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган барча харажатлар жамланади.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ушбу счётлар бўйича жамланган айланмаларнинг умумий суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ёпилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Қисқа (узоқ) муддатли банк кредити бўйича фоизлар ҳисобланган | 9610 | 6920 | Шартнома, фоиз тўловлари бўйича ҳисоб-китоб жадвали |
| 2 | Қисқа (узоқ) муддатли қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланган | 9610 | 6920 | Шартнома, фоиз тўловлари бўйича ҳисоб-китоб жадвали |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 3 | Молиявий ижара шартномаси бўйича ҳисобланган тўланадиган фоизлар суммаси акс эттирилган | 9610 | 6920 | Шартнома, фоиз тўловлари бўйича ҳисоб-китоб жадвали |
| 4 | Валюта кассаси ва валюта ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар қолдиғини қайтадан санаш натижасида ЎзР МБ курси бўйича вужудга келган манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 5020, 5210, 5220 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 5 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида олинган қисқа муддатли банк кредити бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6810 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 6 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида олинган узоқ муддатли банк кредити бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7810 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 7 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида олинган қисқа муддатли қарз бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 6820 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 8 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида олинган узоқ муддатли қарз бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 7820 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 9 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар бўйича манфий курс фарқи акс эттирилган | 9620 | 0610, 5810 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 10 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан илгари ҳисобдорлик асосида берилган чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқлари акс эттирилган | 9620 | 4010-4890 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 11 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги қисқа муддатли кредиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқлари акс эттирилган | 9620 | 6010-6990 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 12 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг тўғри усули билан чет эл валютасидаги узоқ муддатли кредиторлик қарзи бўйича манфий курс фарқлари акс эттирилган | 9620 | 7010-7920 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 13 | Курс фарқини ҳисобга олишнинг жамлаш усули билан манфий курс фарқлари харажатларга киритилган | 9620 | 3290 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 14 | Қўйилган маблағлар (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказолар) қайта баҳолангандан кейин зарарлар олинган | 9690 | 0610-0690, 5810-5890 | Валюталарнинг амалдаги курси бўйича ҳисоб-китоб |
| 15 | Ҳисобот даврининг охирида молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган харажатлар 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ҳисобдан чиқарилган | 9910 | 9610, 9620, 9630, 9690 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

**Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9700) боғланиши**

Корхонанинг одатий хўжалик фаолиятидан кескин фарқ қиладиган фавқулоддаги ҳодисалар (тасодиф, кутилмаган ва одатий бўлмаган зарар ва йўқотишлар) натижасида вужудга келадиган фойда ва зарарларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар қўлланилади:

9710 «Фавқулоддаги фойдалар»;

9720 «Фавқулоддаги зарарлар».

Фавқулодда ҳодисалардан фойда 9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счётининг кредитида ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Фавқулодда ҳодисалардан зарар 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг дебетида узоқ муддатли ва жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9710 «Фавқулоддаги фойдалар», 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётлари 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда асбоб-ускуналар кирим қилинган | 0710-0720 | 9710 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 2 | Табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда яроқли материаллар кирим қилинган | 1010-1090 | 9710 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 3 | Илгари табиий офатлар, ёнғинлар ва ҳоказолар оқибатида ҳисобдан чиқарилган товарлар кирим қилинган (савдо, воситачи ва ҳоказо корхоналарда) | 2910 | 9710 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 4 | Табиий офатлардан кейин инвентарлаш натижасида асбоб-ускуна ва якунланмаган қурилиш бўйича аниқланган камомадлар акс эттирилган | 9720 | 0710-0720, 0810 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 5 | Табиий офатлар пайтида йўқотилган ёки уларнинг оқибатларини бартараф этишда сарф-харажат қилинган турли моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилган | 9720 | 1010-1090, 1110 ва б. | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 6 | Табиий офатлар, ёнғинлар ва ҳ.к. оқибатида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича йўқотишлар акс эттирилган | 9720 | 2010, 2110, 2310 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 7 | Табиий офатлар оқибатида хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар томонидан кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилган | 9720 | 2710 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 8 | Табиий офатлар пайтида келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 9720 | 3110-3190 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 9 | Табиий офатлар, ёнғинлар, ҳалокатлар ва ҳоказолар оқибатида тайёр маҳсулот ёки товарлар йўқотилиши акс эттирилган | 9720 | 2810, 2910-2990 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 10 | Табиий офатлар бўйича харажатлар тўланган | 9720 | 5010, 5110, 5210 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 11 | Табиий офатлар, ёнғинлар ва ҳоказоларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш билан боғлиқ ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланган | 9720 | 6710 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси, меҳнат ҳақини ҳисоблаш қайдномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 12 | Табиий офатлар, ёнғинлар, ҳалокатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ турли харажатлар учун тўловни амалга оширган ҳисобдор шахслар олдидаги қарз акс эттирилган | 9720 | 6970 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси, бўнак ҳисоботи |
| 13 | Ёнғин натижасида нобуд бўлган ҳамда суғурта ва бошқа ташкилотлар томонидан қопланмаган товар-моддий захираларнинг қиймати акс эттирилган | 9720 | 9220 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 14 | Табиий офатлар, ёнғинлар ва ҳоказолар оқибатида алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг фойдаси ҳисобидан турли зарарлар суммаси акс эттирилган | 9720 | 4110 | Табиий офат оқибатларини бартараф этиш далолатномаси, инвентарлаш далолатномаси |
| 15 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счёти ёпилган | 9710 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисобкитоби |
| 16 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счёти ёпилган | 9910 | 9720 | Бухгалтериянинг ҳисобкитоби |

### Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг (9800) боғланиши

Мазкур гуруҳ счётлари қонунчиликда белгиланган фойда солиғи бўйича йил давомида ҳисобланган бўнак тўловлари ва қайта ҳисоблаш бўйича ҳақиқатда фойдадан тўловларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Ҳисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9810 «Фойда солиги бўйича харажатлар»;

9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва мажбурий йиғимлар бўйича харажатлар».

Йил давомида бюджетга солиқлар ва бошқа ажратмалар бўйича ҳисобланган тўловлар 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар», 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва мажбурий йиғимлар бўйича харажатлар» счётларининг дебетида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даври тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда ушбу счётлар 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Фойда солиғи ҳисобланган | 9810 | 6410 | Фойда солиғини ҳисоблаш шакли |
| 2 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланган | 9820 | 6410 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш шакли |
| 3 | Микрофирма ва кичик корхона томонидан ягона солиқ тўлови ҳисобланган | 9820 | 6410 | Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш шакли |
| 4 | Савдо корхонаси томонидан ягона солиқ тўлови ҳисобланган | 9820 | 6410 | Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш шакли |
| 5 | Тўланиши бир неча йилга кечиктирилган фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбурият суммаси акс эттирилган: | | | Фойда солиғини ҳисоблаш шакли |
| | — жорий қисмига | 9810 | 6240 | |
| | — узоқ муддатли қисмига | 9810 | 7240 | |
| 6 | Солиқ бўйича харажатлар фойда солиғи бўйича мажбуриятлардан ортиқ бўлганда вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ суммаси акс эттирилган: | | | Фойда солиғини ҳисоблаш шакли |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| | — фойда солиғи бўйича харажатлар суммасига | 9810 | 6410 | |
| | — солиқ бўйича кечиктирилган мажбуриятлар суммасига | 9810 | 6250, 7250 | |
| 7 | Солиқ бўйича харажатлар фойда солиғи бўйича мажбуриятлардан кам бўлганда вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ суммаси акс эттирилган: | | | Фойда солиғини ҳисоблаш шакли |
| | — фойда солиғи бўйича харажатлар суммасига | 9810 | 6410 | |
| | — кечиктирилган солиқ суммасига | 0950, 3210 | 6410 | |
| 8 | Ҳар йили фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилган | 6250 | 6410 | Фойда солиғини ҳисоблаш шакли |
| 9 | Ҳар йили вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ суммаси ҳисобдан чиқарилган | 6410 | 3210 | Бухгалтериянинг ҳисобкитоби |
| 10 | Ҳисобот йилининг охирида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойдадан фойдаланишни ҳисобга олувчи счётлар ёпилган | 9910 | 9810, 9820 | Бухгалтериянинг ҳисобкитоби |

## Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар (9910) бўйича боғланиш

9910 «Якуний молиявий натижа» счёти ҳисобот йилида корхона фаолияти якуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда даромадлар ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилишидан юзаға келади. 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида корхо-

нанинг харажат (зарар)лари, кредитида эса даромад (фойда)лари акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаси таққосланиши ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалар йиғилади ва ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёт бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот йили тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади. 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти бўйича кредит айланмалари дебет айланмаларига қараганда кўп бўлса, фарқ қуйидаги ўтказма билан ёпилади:

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа»

Кредит 8710 «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)».

Дебет айланмалари кредит айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ ушбу ҳисобот даврида корхона зарар билан фаолият кўрсатганлигини ифодалайди ва у қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 8710 «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»
Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа».

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан даромадлар» счёти ёпилган | 9010 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 2 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти ёпилган | 9020 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счёти ёпилган | 9030 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 4 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9110 «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» счёти ёпилган | 9910 | 9110 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 5 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти ёпилган | 9910 | 9120 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 6 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи» счёти ёпилган | 9910 | 9130 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 7 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ-ларни сотиб олиш/харид қилиш» счёти ёпилган | 9910 | 9140 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 8 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ-лар бўйича тузатишлар» счёти ёпилган: | | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| | — биринчи вариант | 9910 | 9150 | |
| | — иккинчи вариант | 9150 | 9910 | |
| 9 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар ёпилган | 9310-9390 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 10 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар ёпилган | 9910 | 9410, 9420, 9430, 9440 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 11 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин молиявий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олувчи счётлар ёпилган | 9510-9590 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 12 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин молиявий фаолиятдан харажатларни ҳисобга олувчи счётлар ёпилган | 9910 | 9610-9690 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 13 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счёти ёпилган | 9710 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 14 | Ҳисобот даври якунлангандан кейин 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счёти ёпилган | 9910 | 9720 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 15 | Ҳисобот йили якунлангандан кейин солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойдадан фойдаланишни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича ҳисобга олинган суммалар 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ўтказилган | 9910 | 9810-9820 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 16 | Ҳисобот даврининг охирида соф фойда ҳисобдан чиқарилган | 9910 | 8710 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 17 | Ҳисобот даврининг охирида корхона фаолиятидан кўрилган зарар ҳисобдан чиқарилган | 8710 | 9910 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |

# VI ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР

Балансдан ташқари счётлар корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинчалик фойдаланилаётган ёки ихтиёрида бўлган (қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар, масъул сақлашга ва қайта ишловга қабул қилинган моддий қийматликлар ва бошқа) мавжуд қийматликлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек алоҳида хўжалик операциялари устидан назорат қилиш учун мўлжалланган.

Келтирилган қийматликларнинг бухгалтерия ҳисоби оддий тизим бўйича, яъни икки тарафлама ёзувни қўлламаган ҳолда юритилади. Балансдан ташқари счётлар бошқа

счётлар билан боғланмайди, улар ёхуд дебетланади, ёхуд кредитланади.

## 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти

001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти корхона томонидан оператив ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ижарага олинган асосий воситалар мазкур счётда ижара шартномасида кўрсатилган баҳода ҳисобга олинади.

Таҳлилий ҳисоб ижарага берувчилар бўйича ва ҳар бир ижарага олинган асосий воситалар объектлари (ижарага берувчининг инвентарь рақамлари) бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Асосий воситалар объекти оператив ижарага олинган | 001 | | Асосий воситалар объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси |
| 2 | Ижара ҳақи ҳисобланган | 2010, 2310, 2510, 9400 | 6910 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Ижарага берувчига ижара тўлови ўтказилган | 6910 | 5110 | Банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 4 | Ижарага олинган асосий воситалар объекти ижарага берувчига қайтарилганда, у ҳисобдан чиқарилган | | 001 | Асосий воситалар объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси |

## 002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти

002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳарака-

ти тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу счётда буюртмачининг қайта ишлов бериш учун қабул қилинган материаллари ҳисобга олинмайди.

Харидор ташкилотлар мазкур счётда масъул сақлаш учун қабул қилинган қийматликларни қуйидаги ҳолатларда, агар корхона асосланган сабабларга кўра тўловни рад этганда, буюртма берилмаган товар-моддий қийматликлар олинганда ва ҳоказоларда ҳисобга оладилар. Ҳисоб қабул қилиш-топшириш далолатномаларида ёки ҳисобварақ-фактураларда назарда тутилганидек олиб борилади.

Мол етказиб берувчи ташкилотлар ушбу счётда харидорлар томонидан тўланган ва масъул сақлаш учун қолдирилган, сақлаш тилхатлари билан расмийлаштирилган, бироқ корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар билан олиб кетилмаган товар-моддий қийматликларни ҳисобга олади.

Таҳлилий ҳисоб корхоналар, турлари, нави ва сақлаш жойи бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Масъул сақлашдаги товар-моддий қийматликлар ҳисоб учун қабул қилинган | 002 | | Юкхат |
| 2 | Товар-моддий қийматликлар эгасига қайтарилган | | 002 | Юкхат |
| 3 | Эгалик ҳуқуқи корхонага ўтказилган | 1010-1090 | 6010 | Ҳисобварақ-фактура, юкхат |

### 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти

003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўланмайдиган ва қайта ишлаш учун олинган (берилган хом ашё) буюртмачининг хом ашё ва материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ёки қўшимча ишлов бериш (буюртмачининг хом ашё ва материалларининг қийматидан ташқари) хара-

жатларининг ҳисоби шу билан боғлиқ харажатларни (буюртмачининг хом ашё ва материалларининг қийматидан ташқари) ишлаб чиқаришга харажатларни ҳисобга олувчи счётларда юритилади. Қайта ишловга қабул қилинган буюртмачининг хом ашё ва материаллари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида шартномада кўрсатилган баҳоларда ҳисобга олинади.

Қайта ишлов бериш учун материаллар қабул қилинишида мазкур счёт дебетланади, қайта ишлов берилиб ва буюртмачига топширилгандан кейин эса кредитланади.

Таҳлилий ҳисоб буюртмачилар, хом ашё ва материалларнинг турлари, навлари ва уларни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Қайта ишлов бериш учун қабул қилинган товар-моддий қийматликлар акс эттирилган | 003 | | Юкхат |
| 2 | Қайта ишлов бериш бўйича харажатлар акс эттирилган | 2010, 2310, 2510, 9400 | 1010, 6710, 6520 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Маҳсулотнинг буюртмачига берилиши акс эттирилган | 9130 | 2010, 2310 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 4 | Қайта ишлов бериш учун қабул қилинган товар-моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилган | | 003 | Юкхат |

### 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти

004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти шартномага мувофиқ комиссияга ёки консигнацияга қабул қилинган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу счётдан комиссионер корхоналар, консигнантлар фойдаланади.

Комиссияга ёки консигнацияга қабул қилинган товарлар ушбу счётда қабул қилиш-топшириш далолатномаларида кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади.

Таҳлилий ҳисоб товарларнинг турлари ва комитент корхоналар бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Комиссияга ва консигнацияга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар акс эттирилган | 004 | | Юкхат |
| 2 | Комиссияга қабул қилинган товарларнинг сотилганлари ҳисобдан чиқарилган | | 004 | Билдирги |
| 3 | Комиссияга ва консигнацияга олинган товарларнинг сотилиши акс эттирилган: | | | Комиссия шартномаси, консигнация шартномаси, билдирги, ҳисобварақ-фактура |
| | — комиссион тақдирлаш суммасига | 4010 | 9030 | |
| | — консигнант ёки комиссионерга ўтказилиши лозим бўлган комиссион ва консигнацион товар қийматига | 4010 | 6990 | |
| | — комиссион тақдирлаш суммасидан аниқланадиган ҚҚС суммасига (ҚҚС тўловчилари учун) | 4010 | 6410 | |
| 4 | Комиссионер, консигнатор олдидаги қарз қопланган | 6990 | 5110 | Банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |

### 005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счёти

005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счёти пудратчи корхоналар томонидан ўрнатиш учун буюртмачидан олинган барча турдаги ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу счётдан пудратчи корхоналар фойдаланади.

Ускуналар мазкур счётда буюртмачи томонидан тегишли ҳужжатларда кўрсатилган баҳода ҳисобга олинади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида объектлар ёки агрегатлар бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуна акс эттирилган | 005 | | Юкхат |
| 2 | Ўрнатиш бўйича харажатлар акс эттирилган | 2010, 2310, 2510, 9400 | 1010, 6710, 6520 | Шартнома, ҳисобварақ-фактура, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби |
| 3 | Ускунанинг буюртмачига берилиши акс эттирилган | 9130 | 2010, 2310 | Бажарилган ишлар далолатномаси |
| 4 | Ўрнатиш учун олинган ускуна ҳисобдан чиқарилган | | 005 | Юкхат |

## 006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счёти

006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счёти сақланаётган ва ҳисобдорлик асосида бериладиган қатъий ҳисобот варақлари — патта дафтарчалари, гувоҳнома бланкалари, дипломлар, турли абонементлар, талонлар, билетлар, товарларга илова ҳужжатларининг варақлари ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қатъий ҳисобот варақларига киритиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни сақлаш ва фойдаланиш тартиби корхона томонидан ўрнатилади.

Қатъий ҳисобот варақлари мазкур счётда шартли баҳоларда ҳисобга олинади.

Таҳлилий ҳисоб қатъий ҳисобот варақларининг ҳар бир тури ва уларни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Қатъий ҳисобот варақлари ҳисобга олинган | 006 | | Юкхат |
| 2 | Ишлатилган қатъий ҳисобот варақлари ҳисобдан чиқарилган | | 006 | Юкхат |

## 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти

007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти қарздорларнинг тўлашга қобилиятсизлиги туфайли зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бундай қарз ҳисобдан чиқарилган пайтидан бошлаб беш йил давомида қарздорларнинг мулкий ҳолати ўзгарган вақтда қарзни ундириб олиш имкониятини кузатиб бориш учун балансдан ташқари счётда ҳисобга олиниши лозим.

Илгари зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзни ундириб олиш натижасида келиб тушган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти билан богланган ҳолда дебетланади. Бир вақтнинг ўзида кўрсатилган суммага 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» балансдан ташқари счёти кредитланади. Тўлашга қобилиятсиз кредиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи балансдан ташқари счётда беш йил давомида ҳисобга олиниши лозим.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг қарзи тўғри олиб бориш усули билан зарарга ҳисобдан чиқарилган | 9430 | 4010-4890 | Даъво ҳужжатлари, Хўжалик судининг ҳужжатлары, раҳбар буйруғи |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 2 | Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг қарзи даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобидан зарарга ҳисобдан чиқарилган | 4910 | 4010-4890 | Даъво ҳужжатлари, Хўжалик судининг ҳужжатлари, раҳбар буйруғи |
| 3 | Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг қарзи ҳисобга қабул қилинган | 007 | | Юкхат |
| 4 | Зарарга ҳисобдан чиқарилган қарз суммаларини қоплаш ҳисобига келиб тушган суммалар акс эттирилган | 5010, 5110, 5210 | 9390 | Кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 5 | Тўлов келиб тушиши муносабати билан қарз ҳисобдан чиқарилган | | 007 | Юкхат |
| 6 | Беш йил ўтиши муносабати билан қарз ҳисобдан чиқарилган | | 007 | Юкхат |

**008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счёти**

008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счёти мажбурият ва тўловларнинг бажарилишини таъминлаш учун олинган кафолатларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар кафолатда сумма кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида ушбу сумма шартнома шартидан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур счётда ҳисобга олинган таъминот суммаси қарзларнинг қопланишига қараб ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир олинган таъминот бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Олинган таъминот ҳисобга олинган | 008 | | Кафолат шартномаси |

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 2 | Олинган мажбуриятнинг амал қилиши бекор қилинган | | 008 | Кафолат шартномаси |
| 3 | Кафолат, кафиллик билан таъминланган мажбуриятнинг тўлови бўйича суммалар келиб тушган | 5010, 5110, 5210 | 9390 | Кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 4 | Кафолат, кафиллик билан таъминланган мажбурият ҳисобдан чиқарилган | | 008 | Юкхат |
| 5 | Тақдим этилган кафолат бўйича тўловлар акс эттирилган | 9430 | 5110 | Банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |

### 009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счёти

009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счёти мажбурият ва тўловларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича берилган кафолатларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар кафолатда сумма кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида ушбу сумма шартнома шартидан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур счётда ҳисобга олинган таъминот суммаси қарзларнинг қопланишига қараб ҳисобдан чиқарилади.

009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счётида ташкилот томонидан берилган кафолатлар, кафиллик (жумладан, вексель бўйича аваль орқали), ўзга таъминлашлар, шунингдек векселлар бўйича фойдаланиш ҳуқуқини бериш (индоссамент) ҳисобга олинади. Мажбуриятларни таъминлаш корхона ҳисобида мажбуриятлар бўйича даъволар тақдим этиш муддати тугагунга қадар ҳисобда бўлади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир берилган таъминот бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Берилган таъминлаш ҳисоб учун қабул қилинган | 009 | | Таъминлаш шартномаси |
| 2 | Берилган таъминлаш ҳисобдан чиқарилган | | 009 | Таъминлаш шартномаси |
| 3 | Берилган таъминлашлар бўйича тўловлар акс эттирилган | 6960 | 5010, 5110 | Кирим касса ордери, банк ҳисоб-китоб счётидан кўчирма |
| 4 | Берилган таъминлаш-лар бўйича мажбурият-ларнинг қопланган қиймати ҳисобдан чиқарилган | | 009 | Шартнома, билдирги |

## 010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти

010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти, ижара шартномаси шартлари бўйича мол-мулк ижарачининг балансида ҳисобга олиниши лозим бўлган тақдирда, молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага берилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Мазкур счётдан молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар ижара муддатининг тугашида эгасига қайтарилганда ёки шартноманинг бошқа шартларига кўра қайтариб олинган, шунингдек шартнома муддати тугагандан кейин ижарачи сотиб олган вақтдан бошлаб ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага берилган ҳар бир асосий воситалар бўйича алоҳида, асосий воситаларнинг ҳисоб инвентарь карточкалари бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Молиявий ижарага берилган асосий воситаларнинг қиймати ҳисоб учун қабул қилинган | 010 | | Молиявий ижара шартномаси |
| 2 | Молиявий ижарага берилган мол-мулкнинг қопланган қиймати ҳисобдан чиқарилган | | 010 | Молиявий ижара шартномаси |

### 011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счёти

011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счёти ссуда шартномаси бўйича олинган мулкларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Мазкур счётдан ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар шартнома муддати тугаши билан эгасига қайтарилганда ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб ссуда шартномаси бўйича олинган мулкнинг ҳар бир объекти бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк ҳисобга олинган | 011 | | Ссуда шартномаси |
| 2 | Ссуда шартномаси бўйича олинган мулкнинг қопланган қиймати ҳисобдан чиқарилган | | 011 | Ссуда шартномаси |

### 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счёти

012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счёти бўйича ушбу ҳисобот даврининг солиқ солинадиган базасига қўшиладиган,

бироқ кейинги ҳисобот даврларининг солиқ солинадиган фойдаси (даромади)дан чиқариладиган харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажатлар Солиқ кодексининг 146-моддасида келтирилган.

012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счёти бўйича таҳлилий ҳисоб, Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ, солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар миқдори ва уларни чиқариш муддатлари тўғрисидаги ахборотни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар ҳисоб учун қабул қилинган | 012 | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 2 | Вақтнинг тегишли муддати ўтгандан кейин солиқ солинадиган база харажатлар суммасига камайтирилган | | 012 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

### 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти

013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти вақтинчалик солиққа тортишдан озод этилган, мақсадли ишлатилиши кўзда тутилмаган бўшаган маблағлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бюджетга тўловнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобланган бўшаган маблағлар суммаси 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счётининг дебетида акс эттирилади.

Мазкур счётда ҳисобга олинган бюджетга мажбурий тўловлар ва солиқлар бўйича ҳисобланган сумма «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-сон шакл)да акс эттирилмайди ва мос равишда молиявий натижаларнинг шаклланишига таъсир этмайди.

Ушбу счётдан солиққа тортишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағлар суммаси имтиёз берилган даврнинг тугаши билан ҳисобдан чиқарилади. Бунда бўшаган маблағлар тўғрисидаги маълумот имтиёз муддатининг тугаши билан ҳисобдан чиқарилгандан кейин корхонада 5 йил давомида сақланиши лозим.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Бюджетга тўловнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобланган бўшаган маблағлар суммаси акс эттирилган | 013 | | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |
| 2 | Имтиёзли давр тугагандан кейин солиққа тортишдан озод этилган бўшаган маблағлар суммаси ҳисобдан чиқарилган | | 013 | Бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномаси |

## 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти

014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга бериш вақтида уларнинг қиймати тўлиқ ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига олиб борилади ва бир вақтнинг ўзида 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётида акс эттирилади.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланиш (ишлатиш)га яроқсиз бўлган ҳолда уларнинг ушбу счётдан ҳисобдан чиқарилиши тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномаси асосида амалга оширилади.

Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти бўйича тах-

лилий ҳисоб якка тартибда·фойдаланувчилар ва цехлар омборлари бўйича юритилади.

| Т/р | Хўжалик операциясининг мазмуни | Боғланувчи счётлар | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит | |
| 1 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари фойдаланиш учун берилган | 014 | | Юкхат |
| 2 | Яроқсиз ҳолатга келганлиги муносабати билан инвентарь ва хўжалик жиҳозлари келгуси фойдаланишдан (ишлатишдан) ҳисобдан чиқарилган | | 014 | Ҳисобдан чиқариш далолатномаси |

# МУНДАРИЖА

**III қисм. Мажбуриятлар** ........................................ 3

***VI бўлим. Жорий мажбуриятлар*** ........................................ 5

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6000) богланиши ........................................ 5

Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётларнинг (6100) боғланиши ........................................ 17

Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6200) боғланиши ........................................ 24

Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6300) богланиши ........................................ 30

Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётларнинг (6400) богланиши (турлари бўйича) ........................................ 36

Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётларнинг (6500) боғланиши ........................................ 40

Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётларнинг (6600) боғланиши ........................................ 48

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6700) боғланиши ........................................ 51

Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6800) боғланиши ........................................ 59

Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6900) боғланиши ........................................ 65

***VII бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар*** ........................................ 79

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётларнинг (7000) боғланиши ........................................ 79

Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзни ҳисобга олувчи счётларнинг (7100) боғланиши ........ 88

Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7200) боғланиши ........ 95

Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7300) боғланиши ........ 100

Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7800) богланиши ........ 105

Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (7900) боғланиши ........ 111

**IV қисм. Хусусий капитал** ........ 117

***VIII бўлим. Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар*** ........ 117

Устав капитали (жамғармаси)ни ҳисобга олувчи счётларнинг (8300) богланиши ........ 118

Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётларнинг (8400) богланиши ........ 124

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларнинг (8500) боғланиши ........ 127

Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётларнинг (8600) боғланиши ........ 133

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларнинг (8700) богланиши ........ 135

Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётларнинг (8800) боғланиши ........ 140

Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётларнинг (8910) боғланиши ........ 150

**V қисм. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойдаланилиши** ........ 154

*IX бўлим. Даромадлар ва харажатлар* ........ 154

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9000) боғланиши ........ 155

Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётларнинг (9100) боғланиши ........ 160

Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётларнинг (9200) боғланиши ........ 165

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9300) боғланиши ........ 173

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9400) богланиши ........ 177

Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9500) богланиши ........ 184

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9600) боғланиши ........ 187

Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9700) богланиши ........ 190

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг (9800) богланиши ........ 192

Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар (9910) бўйича боғланиш ........ 194

**VI қисм. Балансдан ташқари счётлар** ........ 197

001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти ........ 198

002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти ........ 198

003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти ........ 199

004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти ........ 200

005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счёти ........ 201

006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счёти ........ 202

007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти ........ 203

008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счёти ........ 204

009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счёти ........ 205

010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти ........ 206

011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счёти ........ 207

012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счёти ........ 207

013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти ........ 208

014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти ........ 209

# ҚЎШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

ФЕРУЗА ГАНИЕВНА ГУЛЯМОВА,
УМИДА ТАИРЖАНОВНА ФАЙЗИЕВА

# 3000 та БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАСИ

## ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА БОҒЛАНИШЛАР

## 2-жилд

Тошкент — «NORMA» — 2011

Чиқариш учун масъул *М. Мелибоев*
Таржимон *Ш. Икромов*
Адабий муҳаррир *З. Раҳимбекова*
Бадиий муҳаррир *А. Мирзамуҳамедов*
Компьютерда саҳифаловчи *Н. Киселёва*

10.05.2011 йилдаги AI № 188 лицензия. 2011 й. 18 июлда теришга берилди. Оригинал-макетдан 2011 йил 2 ноябрда босишга рухсат этилди. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$.
Гарнитура «TimesUZ». Офсет босма. LWS Base қоғози.
Шартли 13,5 б. т. Нашр. ҳисоб. т. 22,68. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 1302.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1.

«TOPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.